Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ № 63 (9299). ● 1988 йил 30 март ● чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

Редакция агросаноат бўлимидан

АГРЕГАТЛАР ЭКИШГА ШАЙ

● БЕКОБОД. (Телефон орқали олинди). Район деҳқонлари ўн иккинчи беш йиллиқнинг учинчи йилида 24 минг 853 гектар ерда пахта етиштириб, давлатга 60 минг тонна хом ашё сотиш мажбуриятини олишган. Айни кунларда райондаги барча хўжаликларда мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратиш учун кураш бораяпти. Асосий диққат-эътибор экиш мавсумини уюшқоқлик билан якунлашга қаратилмоқда. Бунинг учун экиш техникасини пухта созлаб ишга киришиш лозимлигини улар жуда яхши билишади.

Яқинда районда экиш агрегатларининг мавсумолди кўрик конкурси бўлиб ўтди. Кўрик конкурсга хўжаликларда ўтказилган мусобақада дастлабки икки ўринни олган илғор механизаторлар таклиф этилди. 11 хўжаликдан келтирилган 22 та экиш экипажи аъзолари ўзаро мусобақалашдилар. Бунда жюри аъзолари тракторнинг пухта созланганлигига, механизаторларнинг чигит экишнинг агротехника қондалари борасидаги билимларини, техника хавфсизлиги ҳамда минерал ўғитлар ва гербициддан фойдаланишдаги тажрибаларига алоҳида эътибор бердилар. Зеро, экиш даврида бу операцияларнинг аниқ ва пухта бажарилиши уруғликнинг тўлиқ ва бехато униб чиқишини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Кўрик конкурсда барча тадбирларни пухта бажарган «Авангард» совхозининг тажрибали механизатори Мирзараҳмат Мирзаев бошчилигидаги экипаж биринчи ўринни олди. Иккинчи ўрин эса «Далварзин» совхозининг Анорбой Жалилов бошлиқ экипажига берилди. Учинчи ва тўртинчи ўринларни Ленин номли ҳамда Навоий номли колхоз механизаторлари эгаллашди.

Айни пайтда район агросаноат бирлашмаси томонидан ташкил этилган комиссия аъзоларига барча хўжаликлардаги экиш агрегатларини яна бир бор кўздан кечириб чиқиш ва мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш вазифаси топширилди.

М. ФАТТОҲОВ.

МАККАЖЎХОРИКОРЛАР ДАЛАСИДА

Ем-хашак ресурсларини тўлдиришда маккажўхори бебаҳо экиндир. Шунинг учун ҳам ишнинг кўзини билган деҳқонлар бу экни учун ҳосилдор ерларни ажратиб, саралланган уруғ экиб, мўл-кўл дон ва кўкпоя етиштириш учун барча зарур тадбирларни амалга оширадилар.

Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозда ҳам бу соҳада бирмунча ишлар қилинмоқда. Хўжаликда бу йил 90 гектар майдонда дон учун маккажўхори етиштириш мўлжалланган. Айни кунларда далаларга иккита агрегат олиб чиқилди. Механизаторлар кузда шудгор қилиб қўйилган ва текисланган ерларга тез ва соз уруғлик қадаш учун курашмоқдалар. Суратларда: (чапдан) бригада бошлиғи И. Султонов ва механизатор С. Сатторов ўртоқлар экиш олдидан маслаҳатлашмоқдалар. Мазкур бригадада бу йил маккажўхори дони етиштириш учун 22 гектар ер ажратилган.

Колхознинг 5-бригадасида экиш пайти.

Р. Галиев фотолари.

Номерга хушхабар

ҚЎЗИЛАР КЎПАЙМОҚДА

(ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ОЛИНДИ)

ЧИНОЗ районидаги Охунбобоев номли колхоз чўпончўлиқлари бу йил қишловни беталофат, бечиқим ўтказишга пухта тайёргарлик кўрган эдилар. Қўра ва қўтонлар яхшилаб ремонт қилинди. Асосийси, қўйлар, учун етарли, тўйимли озуқа жамғарилди. Шу билан бирга колхоз чўпонлари яйловдан самарали фойдаланишга катта эътибор бериб келишмоқда.

Айни кунда чўпон-чўлиқлар қўйлардан соғлом қўзи олишмоқда. Парваришланаётган 850 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан ҳозиргача 92 тадан тўл олинди. Қўзидатиш мавсуми айниқса, Баҳром Эгамбердиев, Темир Тўймаҳонов, Муҳаммад Тангирқуловлар бошлиқ отарларда намунали ўтказилянти. Колхоз чўпонлари мавсум якунига қадар 850 бош қўйдан 1000 та соғлом қўзи олишни мўлжаллашмоқда.

Райондаги Жамбул номли совхознинг Анорбой Исҳоқов бошлиқ отарида ҳам қўзилатиш мавсуми уюшқоқлик билан ўтказилянти. Отар чўпонлари 389 бош қўйнинг ҳар юз бошидан айни кунда юztадан тўл олишди. Чўпончўлиқлар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ўтказиладиган йилда бу кўрсаткични пландаги 90 та ўрнига 105 таданга етказишга ахд қилганлар.

Шунингдек, тўл олиш мавсумини намунали олиб бораётган хўжаликлар қаторида Энгельс номли колхоз ҳам бор. Хўжалик чўпон-чўлиқлари зиммаларига олинган план мажбуриятларни бажаришди. Улар планда белгиланган 250 та ўрнига 260 бош соғлом қўзи олишга муваффақ бўлдилар.

Т. ТУҚЛИБОЕВ.

Кооперация йўлидан

«Тошкент» агрофирмаси ва «Ғазалкент» агрокомбинати

Диққат, янгилик!

Қайта қуриш талаблари асосида областимизда «Тошкент» агрофирмаси ва «Ғазалкент» агрокомбинати тузилянти. Бу янгиликни шарҳлаб бериш учун мухбиримиз область агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари А. П. Вороновга мурожаат қилди:

Анатолий Петрович, агросаноат комплексидаги бу ўзгаришдан мақсад нима?

— Агрофирма ва агрокомбинатлар қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган корхона, ташкилотларнинг марказлаштирилган янги формасидир.

Москва области, Краснодар ўлкасида, мамлакатимизнинг бошқа районларида тузилган ана шундай йирик бирлашмаларнинг иш натижалари агросаноат комплексининг бундай интеграцияси ҳозирги пайтда жуда мақбул эканлигидан яққол далолат бермоқда. Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съездида бу ҳақда анчагина мисоллар келтирилди.

«Тошкент» агрофирмасига Тошкент районидаги колхоз ва совхозлар, агросаноат комплексига ҳизмат кўрсатадиган қурилиш, ремонт ташкилотлари, қайта ишлаш корхоналари, магазинлар киради. Бу агрофирма пойтахтнинг Куйбишев, Киров, Октябрь районлари улгуржи-чакана савдо комбинатларини ҳам ўз ичига олган. Яъни агрофирма ходимлари шаҳарликлар учун етарли миқдорда турли сабзавот маҳсулотлари етиштиришгина қолмай, уларни керак пайтда, зарур миқдорда, турлари бўйича ўз магазинларига етказиб беришлари керак.

«Ғазалкент» агрокомбинатига эса Бўстонлиқ районидаги колхоз ва совхозлар, ремонт, қурилиш, савдо ташкилотлари, қайта ишлаш корхоналари, жумладан, консерва ва сут заводлари бирлаштирилади.

— Бу янги бирлашмалар қандай бошқарилади?

— Район агросаноат бирлашмалари ташкил этилиши ҳам қишлоқ хўжалигини маъмуриятчилик-буйруқбозлик усулида бошқаришдан тўла халос эта олмади. РАПО бўлар-бўлмасга хўжаликлар фаолиятига аралашаверди, қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган ремонт, қурилиш ташкилотлари, «Сельхозхимия» унга бирлаштирилган бўлишига қарамай ўз планлари, топшириқларига эга бўлгани учун пировард натижани эмас, биринчи навбатда ўз манфаатларини кўзлайдилар.

Агрофирма ва агрокомбинатни бошқариш структураси бошқачароқ. Уларга демократик асосда сайланадиган кенгаш раҳбарлик қилади. Янги бирлашмаларнинг бутун фаолияти тўла хўжалик ҳисоби асосига қурилади. Уларга кирувчи колхоз ва совхозларда шароитга ва қишлоқ меҳнаткашлари хоҳишларига қараб бригада, коллектив, оила пудрати жорий этилади. Агрофирмаларнинг ўз молиявий-ҳисоб маркази, оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўзига хос кичик банки бўлади. Унда ҳар бир хўжаликнинг ўз ҳисоб счети очилади. Агрофирма ва агрокомбинатга кирувчи ҳар бир хўжалик ва ташкилот коллективининг иш ҳақи пировард натижага боғлиқ бўлади.

Хўжаликлар маблағларининг бирлаштирилиши ишлаб чиқариш ва социал соҳаларни ривожлантириш вазифаларини муваффақиятлироқ бажариш учун кўпроқ имконият яратади.

— Агросаноат комплексининг бу йирик бўлинмаларининг фаолияти қандай планлаштирилади?

— Ҳозир уларнинг структураси, хўжалик-иқтисодий фаолиятининг низоми ишлаб чиқилмоқда. Шуни айтиш мумкинки, агрофирма ва агрокомбинатда бошқарув аппаратлари жуда ихчам бўлади. Улар ўз фаолиятини бошлагач, ҳозирги РАПОларга ҳожат қолмайди.

Бу бирлашмаларга иложи борича эркинлик бериш мақсадида бир неча энг муҳим план топшириқлари берилади, холос. Улар олдига ягона мақсад — аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш вазифаси қўйилади.

Агрофирма ва агрокомбинатлар катта ҳуқуққа эга бўладилар. Улар фирма-магазинларда сотиладиган маҳсулотларнинг чакана нархларини ўзлари белгилайдилар, зарур ҳолларда бу нархлар ўзгартириб турилади.

Янги ташкилотларга берилган ҳуқуқлар далада етиштирилган маҳсулот ирофгарчилигини кескин камайтиришга ҳам хизмат қилади. Илгарилари бирон-бир маҳсулот ўтмай қолса, у чириб нобуд бўлгунича магазинда ётаверарди. Кейин акт тузиб қўйилаверарди. Эндиликда фирма-магазинлардаги маҳсулотлар ўтмай қолса, улар дарҳол қайта ишлаш корхоналарига жўнатилади.

— Биргина бу тадбирнинг ўзи сабзавот маҳсулотлари нобудгарчилигининг олдини олиш учун камлик қилмасмикин?

— Тўғри, шунинг учун агрофирма ва агрокомбинатда янги омборлар, музхоналар, қайта ишлаш корхоналари қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, қувватларини оширишга катта эътибор берилади. Янги бирлашмаларга қўшимча молиявий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилмоқда. Масалан, «Тошкент» агрофирмаси учун қўшимча 1 миллион сўм маблағ ажратилянти. Биринчи навбатда маҳсулотларни қабул қилиш, саралаш пунктлари, сабзавотлар тузланадиган цех, бошқа объектлар қурилади. «Ғазалкент» агрокомбинатига ҳам қўшимча 700 минг сўм ажратиш режаланган.

— «Тошкент» ва «Ғазалкент»ни агросаноат комплексини қайта қуришнинг қалдирғочлари десак, яқин келажакда бизни қандай янгиликлар кутянти?

— Агрофирма ва агрокомбинат шу йилнинг биринчи ярмида иш бошлаши керак. Агросаноат комплексида бошқа ўзгаришлар ҳам кутилмоқда. Жумладан, ўрта чирчиқликлар кооператив асосда агросаноат бирлашмалари тузиш билан қизиқиб қолдилар. Район мутахассислари яқинда Тула областидаги қишлоқ хўжалик кооперативлари иш тажрибаси билан танишиб қайтдилар. Улар ҳозир бу тажрибани ўз хўжаликларида қандай татбиқ қилиш мумкинлиги ҳақида ўйлашянти.

Қайта қуриш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилишга ҳам ижодий ёндашишни, хўжаликларга, қишлоқ меҳнаткашларига тўла эркинлик, мустақиллик беришни талаб этмоқда. «Тошкент» агрофирмаси ва «Ғазалкент» агрокомбинатининг ташкил этилиши ҳам шу ҳаёт талабидан келиб чиқди.

Суҳбатни А. НОСИРОВА олиб борди.

Қардошлик қонуни асосида

АФҒОН ХОНАДОНЛАРИГА ТАБИИЙ ГАЗ

«Узгипрогаз» институти коллективи Афғонистоннинг Шибирғон шаҳри учун газ тармоқлари лойиҳасини ўз муддатида тайёрлаб берди. Навбат қурувчиларга — «Узбекгаз» трестига келди. Апрель иқлимлари ишонладиган кунда ўнлаб хонадонларга «кўз илғамас» ёқилғи келади.

«Союзузбекгазпром» бирлашмасининг ходимлари лойиҳани ҳам, қурилишни ҳам, ускуналар ва материаллар етказиб беришни ва дастлабки пайтларда газ линияларидан фойдаланишни ҳам оталиқ ёрдами сифатида бепул амалга оширишга ахд қилдилар.

Бир ой муқаддам Шибирғон шаҳрида совет газчилари билан Афғонистон Республикаси кон ишлари ва саноати министрлигининг «Афғон-газ» департаменти ўртасида бевосита оталиқ алоқалари тўғрисида протокол имзоланган эди. Мана энди мазкур шаҳарни газлаштиришнинг бош чизмаси ҳам тайёр. Ўзбек қурувчилари яқин кунларда Шибирғонга жўнаб кетадилар. Айни вақтда Мозори Шарифда қидирув ишлари бошланади. Ана шу шаҳарни газлаштириш бош чизмасини яратиш ҳам кўзда тутилган.

Томонлар Бухоро газ саноати техникумида афғон газчи мутахассисларини тайёрлаш ҳақида келишиб олишди. Мазкур техникумни битириб чиққанларнинг дастлабки отряди — афғонистонлик 80 нафар киши тез орада газ тармоқларидан, конларидан, Жарқудуқ конидан, барча газчилик хўжаликларидан фойдаланишни ўз зиммаларига олишади.

Апрель ойининг бошларида Бутуниттифоқ саноат бирлашмаси «Союзузбекгазпром» ва «Афғон-газ» департаменти вакиллари яна учрашадилар. Улар оталиқ алоқаларини бундан буён ривожлантириш йўлларини белгилаб оладилар.

(ЎзТАГ мухбири).

МАКСИМ ГОРЬКИЙ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Алексей Максимович Горькийнинг тарихий тақдири революцион пролетариатнинг ҳаёти ва кураши билан чамбарчас боғлангандир. Худди ана шу омил туфайли санъаткор даврнинг илғор ғояларидан баҳраманд бўлибгина қолмай, халқ оммаси озодлик ҳаракатининг ёрқин ифодачисига, В. И. Ленининнинг маслакдоши, содиқ дўсти ва сафдошига ҳам айланди.

Горькийнинг доҳиёна мероснга давр ўз ҳукмини ўтказа олмайди. XX аср ниҳоясига етиб қолган ҳозирги кунларда ҳам социалистик маданият бунёдкорларидан бири бўлган санъаткор, инқилоб бўрон қуши образи илгари бўлганидек ҳозир ҳам ҳаётни маънавий янгилаш, ҳаётда содир бўлаётган социалистик ўзгаришлар, ижодий шижоат ва матонатнинг рамзи бўлиб турибди.

Улуғ сўз санъаткори, атоқли гуманист ва ватанпарвар, халқлар дўстлиги учун толмас курашчи А. М. Горький таваллуд топганидан буён орадан 120 йил ўтди. 28 март куни Москвада, Тверь ҳиёбонидаги СССР Москва бадиий академик театри биносида бўлган тантанали мажлис ана шу шонли санага бағишланди.

М. С. Горбачев, В. И. Воротников, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев ўртоқлар президиумга чиқадилар. Машҳур ёзувчилар, олимлар, санъат усталари, меҳнат коллективлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам минбардан жой оладилар.

Совет адабиётининг дунёга келиши, унинг дастлабки қадамлари ва шунданкейинги тарихи Горький билан боғлиқдир, у ҳозир ҳам адабий жараёнинг жонли қатнашчисидир, деди тантанали мажлисни очар экан, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карпов. Инсонни тарихнинг фаол бунёдкори сифатида кўрсатиш, инсоннинг ҳаётга янгилик бахш этиш имкониятларини очиб бериш керак — Горький бизга шундай деб ўргатмоқда, унинг ана шу сабоқларини биз бугунги воқелигимизда ҳам ўзлаштириб боряпмиз.

Революцион тафаккур ва бадиий образ бирлиги — СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик П. Н. Федосеев ўз нутқининг мавзуини шу тарзда белгилади. Ленининнинг инқилобий даҳоси революцион иш назарияси, стратегияси, практикаси соҳасида рўёбга чиқарган ишларни Горький худди ёнма-ён бориб, ўзининг бадиий ижодида юзага чиқарди. Инқилобий даврнинг ана шу машҳур арбоблари, руҳият даҳолари XX аср тарихига революция доҳийси, Совет давлатининг раҳбари ва атоқли санъаткор самарали муносабатларининг классик намунаси бўлиб кирдилар. Горький ўзининг badиий сўзи билан В. И. Ленининнинг ёзувчининг бурчи, адабиётнинг вазифаси, унинг инқилобий мафкура билан алоқаси зарурлиги, унинг партиявийлиги, халқчиллиги, адабиётнинг жамият ҳаётидаги амалий ўрни тўғрисидаги ғояларини акс эттирди.

«Айни Горький адабий хизмат ғояси билан ўн тўққизинчи асрни йигирманчи аср билан ўзаро боғлади». СССР Фанлар академияси жаҳон адабиёти институтининг директори Ф. Ф. Кузнецов тантанали мажлисда доклад қилар экан, Леонид Леоновнинг ана шу сўзларини эслатди. Ёзувчи яратган образлар — ишчининг беваси Пелагея Ниловна ва унинг ўғли Павел Власов, кампир Акулина Ивановна ва Алеша Пешков, этикдўз Григорий Орлов ва новвой Коновалов сингари ҳам, Лев Толстой ва В. И. Ленининнинг бадиий портретлари ҳам, «Артамоновлар иши», «Егор Буличов ва бошқалар» сингари асарлар ва ниҳоят, XX асрнинг буюк эпик романи «Клим Самгининнинг ҳаёти» ҳам асрларга татигулик ижод намуналаридир.

РСФСР Ёзувчилар союзи правлениеси раисининг ўринбосари Ю. В. Бондарев, Латвия ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Я. Я. Петерс, «Новий мир» журналининг бош редактори С. П. Залигин, Украина ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Б. И. Олейник совет адабиёти асосчиси ижоди мислсиз аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирдилар.

Тантанали мажлисдан сўнг Москва бадиий академик театри Горькийнинг «Тубанликда» пьесаси асосида саҳналаштирган спектаклни кўрсатди.

* * *

Шу куни улуғ пролетар ёзувчиси хотирасига бағишланган тантанали йиғилишлар Киев, Горький ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлиб ўтди.

(ТАСС).

16 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

Тўйтепадаги автобус-таксомотор парки коллективи москваликларнинг Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш тўғрисидаги ташаббусига бажонидил қўшилди. Халқ ҳашарини ўтказиш бўйича махсус штаб тузилди. Унга инженер-техник ходимлар, хизматчилар, ишчилар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари киридилар. Ҳозирги вақтда штаб аъзолари шанбалик самарали ўтиши учун барча ишлаб чиқариш бўлинмаларидаги тайёргарлик ишларига бошқош бўлмоқдалар.

Дастлабки ҳисобларга қараганда умумхалқ ҳашарида 300 дан ортиқ транспортчилар қатнашадилар. Улар 48 минг йўловчига хизмат кўрсатадилар. Шу куни олинадиган даромад миқдори 8 минг сўмга етказилади. Бу оддий иш кунларидагига нисбатан бир мунча кўпдир. Беш йиллик фондига эса 2 минг сўм ўтказилади.

Бундан ташқари корхона территориясини ободонлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш, гулзорлар ташкил этиш бўйича ишлар ҳам амалга оширилади.

У. МУҲАМЕДОВ.

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — КАСАБА СОЮЗЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

29 март куни Тошкентда Урта Осиё республикалари халқ хўжалигида меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси очилди.

Конференция қатнашчилари — Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон касаба союзлари республика комитетлари меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимларининг мудирлари уч кун давомида саноат ишчилари, қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари унумли меҳнат қилишлари учун яхши ва хавфсиз шарт-шароитлар яратишга оид долзарб масалаларни кўриб чиқадилар, меҳнаткашларнинг социал ҳуқуқларини муҳофаза қилишда касаба союзларининг ролини муҳокама қиладилар. Иссиқ иқлим шароитида ишлашнинг ўзига хос жиҳатларига, хотин-қизлар меҳнати хавфсизлигига, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилади.

Урта Осиё республикаларининг олимлари, шунингдек, Москва, Ленинграддан, мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган мутахассислар меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи ва уни яхшилаш йўллари ҳақида секция мажлисларида доклад қиладилар.

(ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР ●

КОЛЛЕКТИВ КЕНГАШИ ИШ БОШЛАДИ

● ПРАГА. ЧССРда экономикани бошқаришнинг янги илғор формаларига ўтиш, хўжалик механизмини комплекс қайта қуришни амалга ошириш меҳнат коллективлари фаолиятининг янги принципларини юзага келтирмоқда. Яқинда «Карловарское стекло» — «Мозер» корхонасида меҳнат коллективи кенгаши иш бошлади. Ўз-ўзини бошқаришнинг бу органи корхона раҳбарияти билан бирга ишлаб чиқариш ва социал соҳани ривожлантириш масъулиятини ўз зиммасига олди.

Республиканинг бошқа корхоналарида ҳам ўз-ўзини бошқарув ишчи органлари тузила бошлади. Социалистик ўз-ўзини бошқарув одамлар таашаббускорлигини, уларнинг интизомлилигини, ўз корхоналари тақдири ва умуман экономика тақдири учун масъулиятини ошириш омилларидан бири, деб қаралмоқда.

ҚОЧОҚЛАР ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛМОҚДА

● КОБУЛ, 28 март. (ТАСС). Якшанба куни Покистондан Нангарҳар вилоятига бир гуруҳ афғон қочоқлари қайтиб келди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уларга молиявий ёрдам кўрсатди, иш ва уй-жой билан таъминлади.

Миллий яраш снёсати эълон қилинган вақтдан буён мингдан ортиқ афғон ана шу вилоятга, 3300 га яқин қочоқ Кобул вилоятига қайтиб келди.

Бахтар агентлигининг хабар беришича, давлат хавфсизлик органлари экстремистларнинг Кобул ўқув юртларидан бирини портлатишга бўлган урниши олдини олиб қолганлар.

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРГА ТАЛАБ КАТТА

● ХОШИМИН. «5-район касалхонасига СССРда маълумот олган икки врач ишга таклиф этилади», «Рус тилини биладиган тўрт нафар нефтехимик инженер жуда керак». Хошиминда чиқадиган «Сайгон зяй фонг» газетаси саҳифаларида бундай эълонлар тез-тез пайдо бўлмоқда.

Мамлакатда Совет олий ўқув юртларини битириб чиққан кишиларнинг обрўйи катта. Ҳозирги вақтда Вьетнам халқ хўжалигининг Совет Иттифоқидаги шериклар билан ўзаро фойдали мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган тармоқларида рус тилини биладиган юқори малакали мутахассисларга талаб айниқса катта бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда фақат мамлакат жанубидагина Москва ва Ленинград, Киев ва Тошкент, Боку ва Одесса институтлари дипломларига эга бўлган 14 мингдан ортиқ мутахассис меҳнат қилмоқда. Улар хўжалик ва молия муассасаларида, саноат ишлаб чиқаришида, қурилиш ва транспортда масъул лавозимларни эгаллаб турибдилар. Социализм моддий-техника базасини вужудга келтиришга улар қўшаётган ҳисса мамлакатда юксак қадрланмоқда.

(ТАСС. 26 март).

ЭРОН-ИРОҚ УРУШИ

● БАҒДОД, 28 март. (ТАСС). Расмий ҳарбий вакилнинг хабар қилишича, якшанба куни Ироқ Теҳрон ва Исфаҳонга тўртта ракета отган. Бағдодга Эрон ракеталар отиш натижасида бир нечта уй-жой вайрон бўлган, аҳоли орасида ўлганлар ва жароҳатланганлар бор.

● НИКОСИЯ, 28 март. (ТАСС). ИРНА агентлигининг хабарига кўра, якшанба куни Эрон Бағдодга иккита ракета отган. «Ер-ер» классидаги иккита тактик ракета Басранинг иқтисодий объектларига отилган. Агентлигининг таъкидлашича, Эрон шаҳарларини ракеталар билан ўққа тутиш натижасида кейинги ой мобайнида 700 киши ҳалок бўлган ва 1400 киши жароҳатланган.

Қайта қуриш: СЎЗДА ВА АМАЛДА

• *Совет қурилиши бўлимида*

«АРЗИМИЗНИ КИМГА АЙТАМИЗ...»

РЕДАКЦИЯГА, аниқроғи Совет қурилиши бўлимига келаётган шикоятнамо хатларнинг деярли ҳаммасида ана шундай савол кўндаланг қўйилади. Кундалик турмушда учраб турадиган камчиликлар ва иллатларнинг камаймаётганлиги, тегишли ташкилотларда меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига қулоқ солинмаётганлиги, умуман, бутун мамлакат миқёсида авж олган қайта қуриш бу ерда ҳали бошланмаганлиги ҳақида куюниб ёзишади.

«Очиғини айтганда шундай тинч, фаровон замонда яшаб туриб, уёқ-буёққа шикоят хати ёзишга уялар экан одам, — дейилади Байтқўрғон қишлоғидаги Бирлик маҳалласи аёллари номидан келган хатда. — Аммо начора, маҳаллий ташкилотлар арзимизга эътибор беришмагандан кейин мажбур бўламиз-да».

Маҳалла аҳлининг газетага ёзишга мажбур бўлганича бор. 1983 йилда қурила бошланган бу маҳалладаги 30 дан ортиқ хонадонга ҳозир оилалар кўчиб кирган. Деярли ҳаммаси ёшлар, эндигина икки-уч болали бўлишган. Болаларнинг олди мактабга борянпти. Лекин маҳаллада энг зарур қулайликлар ҳалигача йўқ. Биттагина кўча қишда ботқоқ, ёзда тупроқ тўзийди. Аҳоли ана шу кўча бўйлаб оқадиган ариқдан сув ичади. Ёғин-сочинли кунларда бу сув лойқаланиб кетади. Бу ҳам етмагандай, кўча бошидагилар кирларини шу сувда чайиб, идиш-товоқларини ювишади. Ҳолбуки, «Правда» колхозининг водопровод суви минораси шу маҳалладан 300 метр нарида, холос.

Электр нуридан ҳар ким эплаганча фойдаланяпти. Оржоникидзе район электр тармоқлари бошқармаси аввал кўчага симёғочлар ўрнатиб, сим тортамиз, кейин уйларга счетчиклар ўрнатамиз, деб хотиржам юришибди. Газ йўқлиги учун уйларни ситиш ва овқат пиширишдаги қийинчиликларни айтмаса ҳам бўлади.

«Эркаклардан кўра биз аёлларга қийин бўляпти, — дейишади хат муаллифлари. — Колхоз правлениесига ёзган аризамиз ном-нишонсиз кетди. Бу ҳақда на ярим йиллик ва на йиллик ҳисобот йиғилишларида бир оғиз сўз айтилмади...»

Изоҳнинг ҳожати йўқ. Оғир шароитларда яшаб, меҳнат қилаётган аёллар ўзларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари асосида шикоят ёзишга уялаётганларида колхоз правлениеси, қишлоқ ва район Советлари ижроия комитетлари ходимлари лоақал бироз андиша қилсалар бўларди.

Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхознинг 1-бўлимидаги 3-кўчада яшовчи бир группа ишчилар қайта қуриш ҳаракатининг бу томонларга етиб келганлигига шубҳа билан қарашяпти. «Қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш ҳақида тинимсиз гапирилса-ю, биз йўл қолиб, қўшнимизнинг томорқасидан айланиб лой кечиб юрсак, одамга алам қилар экан», деб ёзишади улар. Аслида гап шундаки, аҳоли раҳбарларга ялина-ялина неча йилдан бери чанг, лой бўлиб ётадиган кўчага ниҳоят шағал тўктиришга эришди. Аммо аҳволнинг аввалгисидан бешбаттар бўлишини ўйламаган эканлар. Йўл ўртасига уйиб тўкилган шағаллар текисланмай қолиб кетди. Водопровод трубасининг ёрилгидан тўхтовсиз оқиб ётадиган сув йўлнинг қолган қисмида қўллаб, умуман юриб бўлмайдиган қилиб қўйди.

Қизиғи шундаки, қишлоқ Совети ижроия комитети раҳбарлари бугун борамиз, эрта борамиз, деб аҳолини чалғитиб юришибди. Совхоз раҳбарлари эса ҳозир ёғингарчилик, ерлар қуриса шағални текислаймиз, деб ишни пайсалга солишяпти. Икки ўртада меҳнаткашларга қийин бўляпти. «Қайта қуриш ҳақидаги гаплар бизнинг совхоз раҳбарларига етиб келмаган кўринади», деб ёзишларининг сабаби шунда.

Чирчиқлик меҳнат ветерани, пенсионер Иван Зимин «Тошкент ҳақиқати»нинг актив жамоатчи мухбирларидан. «Ўз шаҳримни жуда севаман, — деб ёзади у. — Шунинг учун ҳам шаҳар кўркига раҳна соладиган ҳар қандай нуқсон мени қаттиқ ранжитади». Кейинги пайтларда шаҳар кўчалари, йўлаклар, хиёбонлар ифлосланиб кетаётганлиги, сув сепилмай қўйилганлиги, айрим йўлакларнинг бузилиб, юриб бўлмай қолаётганлиги меҳнат ветеранини ташвишлантирмоқда. Шаҳар Совети ижроия комитетидагиларнинг хонанишин эканликлари, шаҳар кўчаларида деярли пиёда юрмасликларининг оқибатидир бу, деган хулосага келади хат муаллифи. Тўғри хулоса.

Оҳангарон шаҳридаги Чинор посёлкасида яшовчи бир группа оналар «Охирги умидимиз сизлардан», деб редакцияга хат ёзишга мажбур бўлишибди. 1985 йилда номаълум сабаб билан ёпиб қўйилган болалар боғчаси ҳалигача очилмабди. Болали оналарнинг Инқилоб қишлоқ ва Оҳангарон район Советлари ижроия комитетларига қилган кетма-кет мурожаатлари шунча вақтдан бери эътиборсиз қолиб келаётир.

Маҳаллий Советлар ва бошқа тегишли ташкилотларнинг лоқайдлиги, аҳолининг ариза ва шикоятларига бу қадар бефарқ муносабати Бўка районидаги Тимирязев номли колхознинг Қулдирак участкасида яшовчи қаҳрамон она Алимовани ҳам юқори органларга мурожаат этишга мажбур қилди. Бу қишлоқда электр чироқларининг ёнишидан ўчиши кўп. Кўчаларнинг расволигидан мактабга бориб келган болаларнинг устибошига қараб бўлмайди, ҳар куни ювиб, тозалаш керак.

Хуллас, редакциянинг Совет қурилиши бўлимига келаётган хат-хабарларнинг мазмунига қараганда, кўп жойларда қайта қуриш сўздан амалга кўчмаяпти. Деярли ҳамма хатларнинг муаллифлари шундай умумий саволни ўртага ташлайдилар: «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» шиори кўпдан бери қуруқ чақириқлигича қолиб келаётган эди. Ҳозир қайта қуришнинг иккинчи босқичи бошланган экан, энди бу шиор минбарлардаги ваъзлардан ва қизил алвонлардан қаётга кўчиб, юз фоиз амал қилиши лозим-ку! Қачон шундай бўлади, ахир?»

Биз бу саволни ўз вазифаларини чала-ярим бажараётган маҳаллий Советлар ва бошқа тегишли хўжалик органлари раҳбарлари эътиборига қавола қиламиз ва улардан амалий жавоб кутамиз.

А. ЙУЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг Совет қурилиши бўлими мудири.

● ДАВИД ВИГЕЛЬ «Ташметрострой» трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармасида меҳнат қилади. У пойтахтимиз ер ости йўлларини бунёд этишга ҳисса қўшмоқда. Илғор ишчининг хизматлари муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвонига сазовор бўлди.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

МУЗҚАЙМОҚНИНГ АЧЧИҒИ ҲАМ БЎЛАРКАН.

Ростдан ҳам шундай. Агар ким ишонмаса, бизнинг Тўйтепа шаҳримизга келсин-да, шу ерда тайёрланиб савдога чиқарилаётган музқаймоқдан ўзи ед кўрсин. Ўзи ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 2 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 2600 бош сиғирга мўлжалланган молхоналар; кўплаб бошқа объектларни қуриш ва фойдаланишга топширишда қатнашадилар.

Аввалига музқаймоқнинг аччиғи ҳам бўларкан-да, деб ўйладик. Лекин ҳар чоршанба куни шаҳардаги мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига қатнаганимизда музқаймоқнинг аччиғига дуч келавергач, катталардан сўраб-суриштирдик. Улар «Бу нарсаларга сизларнинг аҳлингиз етмайди ҳали, музқаймоқхонадаги катталар масаллиқларнинг баъзисини солишни «унутиб» қўйсалар керак», дея мужмал жавоб беришдн. Шу ростми? Агар қаймоқ, ширинлик каби масаллиқлар нормадан кам қўшилса, музқаймоқ аччиқ эмас, бемазароқ бўлиши керак-ку?

Хуллас, биз ўқувчилар гап нимада эканлигини билолмай ҳайронмиз. Зора редакция керакли жойга мурожаат қилиб, жумбоқни ечиб берса, деб шу хатни ёздик.

Энгельс номли колхозидаги 25-мактабнинг 9-«б» синф ўқувчилари.

● Мавжуда Музаффарова кўп йиллардан бери Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг каштачилик цехида ишлайди. У ўз касбини пухта ўзлаштирган. Смена нормаларини ҳамиша ортиғи билан бажаради. Иш суръати доим жадал. Қўлидан чиқаётган маҳсулот сифатли бўлишига эришмоқда. У шу кунларда Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини уч йиллик шахсий нормасини бажариш билан кутиб олиш учун астойдил ишламоқда.

М. НУРИДДИНОВ
фотолари.

ЯНГИЛИКНИНГ САМАРАСИГА ИШОНАМИЗ

«УЗАГРОЭЛЕКТРОМОНТАЖ» трести коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида хўжалик ҳисоби асосида ишлашга ўтди. У «Узагропромстрой» республика агросаноат бирлашмаси бўлинмалари ўртасида биринчи бўлиб ўзини-ўзи маблағ билан таъминлай бошлади. Трест коллективининг бу йўлдаги тажрибаси бошқа қурилиш ташкилотлари учун намуна бўлиши назарда тутилмоқда. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз И. Аҳметов трест бошқарувчиси Е. П. МАСЛИЕВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишланаётганига икки ой бўлди. Унинг якунлари қандай?

— Трестимиз ташкил этилганига ҳам ўн йилдан ошди. Албатта ҳар бир йил коллективимиз фаолиятида ўз изини қолдирди. Бироқ, янгича ишлашнинг дастлабки ойлари жўшқинлик, резервларни ишга солиш, меҳнатга сидқидилдан муносабатда бўлиш даври бўлди. Биз янгича хўжалик механизмининг маъноси ва аҳамиятини олдиндан ҳар бир ходим онгига сингдирганимиз учун ҳам шундай фикр билдиришга тўла ҳақлимиз. Ҳақиқатан ҳам барча ишчи-хизматчиларнинг топширилган иш учун масъулияти ортди. Эндиликда ҳар бир айрим топшириқ давлат буюртмаси деб ҳисобланмоқда. Барча бригадаларимиз бундай буюртмаларни эса йил бошида олдилар. Дастлабкиси бир кварталга мўлжалланди. Бундай қуйи планлаштириш ҳам янгилик нишонасидир.

Биринчи квартал давомида 7 миллион 157 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишимиз керак. Объектлар бўйича ҳам планлар бор. Масалан январь-март ойларида бизнинг электр монтажчиларимиз 246 минг квадрат метр саҳнли уй-жойлар, 19,5 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 2 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 2600 бош сиғирга мўлжалланган молхоналар; кўплаб бошқа объектларни қуриш ва фойдаланишга топширишда қатнашадилар.

Одатдагидек, юқоридан туширилаётган давлат буюртмасини абадий ва кенг қамровли деб тушунмаслик керак. Бизнинг фикримизча унинг таъсири борган сари камайиб бораси, бевосита трестимиз ва у хизмат кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар ўртасида тўғридан-тўғри шартномавий муносабатларга ўтиш бошланади.

Январь ойидан бошлаб давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни кучга кирди. Бу қонун трестимизга ҳам тааллуқлидир. Унинг энг мақбул томони шундаки, иқтисодий ва социал ижодкорлик учун ҳуқуқлар беради. Шунинг учун ҳам биз қонунда берилган имкониятларни амалий ишларга айлантиришга астойдил ҳаракат қиламиз. Энг муҳими, монтажчиларимиз моддий фаровонликлари уюшқоқлик ва аниқ мақсадни кўзлаб фидокорона меҳнат қилишга боғлиқ эканлигини чуқур ҳис қилмоқдалар. Биргаликдаги меҳнатимиз билан топган барча даромадимиз ўзимизники, харажатларни ҳам шу ҳисобдан қиламиз. Бундан буён давлатдан ҳеч қандай қарз олиб бўлмайди.

— Бу усулни биринчи бўлиб қўлланиш оғир бўлса керак?

— Албатта, ҳам оғир, ҳам мураккаб. Чунки бош пудратчи трестлар билан ўзаро муносабатларимиз, қурилиш-монтаж конвейери бўйича бошқа шерикларимиз билан алоқалар кўнгилдагидек созланмаган. Бунинг устига планлаштиришда ҳам оқсашларга йўл қўйилмоқда. Йил учун аниқ истиқболли план белгиланмаган.

Бироқ, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, коллективимиз хўжалик юритишнинг янги шароитларига тўсатдан ёки кимнингдир юқоридан берган буйруғи билан ўтгани йўқ. Шундай қилинса, ҳеч нарсага эришио бўлмас эди. Ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш учун кенг кўламда тайёргарлик ишлари олиб борилди. Шундай деганимда нимани назарда тутмоқдаман?

Трестимиз ўтган йилнинг иккинчи ярмида коллектив пудрати асосида ишлади. Очиғини айтсам, ёмон меҳнат қилмадик. Анча дуруст ишладик. Ундан илгарироқ — 1986 йилда эса бизнинг трестимизга қарашли ўн учта бўлинма ўртасида Тошкент область Абдураҳмонов номли совхозидаги 353-хўжаликлараро ихтисослашган кўчма механизация колоннаси меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив усулини қўллашишга ўтган эди. Бу колонна монтажчилари учта бош пудратчи трестларга объектлар қурилишида кўмаклашмоқда.

Бу колонна коллективи икки йил давомида коллектив пудрат шартномалари асосида ишлади. Шунинг учун ҳам бу ерда хўжалик ҳисобини тўла жорий қилиш учун шароит вужудга келди. Шундай қилиб ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принциплари қарор топа бошлади. Колонна коллективи ўтган йили катта иқтисодий самара кўрди. Очиғини айтадиган бўлсак, у кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Фикримнинг далили учун рақамлар келтираман. Ўтган йили монтажчилар сони кўпаймагани ҳолда олдинги йилдагига нисбатан 200 минг сўмликдан кўпроқ бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Меҳнат унумдорлигининг ортиши 20 процентдан ҳам зиёдроқ бўлди. Айни вақтда иш ҳақи 10,5 процент ошди. Колонна монтажчиларининг ўртача ойлик маоши 284 сўмни ташкил этди. М. Валиев, Я. Попов, И. Абдураҳмоновлар раҳбарлик қилаётган пешқадам бригадаларда иш ҳақи бундан ҳам кўпроқ бўлди.

— Трест бундан буён ўзининг харажатларини ва бошқа эҳтиёжларини хўжалиқ йўли билан олинган даромадлари ҳисобига қоплаши керак. Даромадлар қайси манбалардан олинади?

— Коллективимизнинг ҳалол меҳнати билан топилган даромад ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаи бўлиб қолди. Бизнинг шароитимизда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари нархи ва харажатлар ўртасидаги фарқ даромадни ташкил этади. Трестимизда норентабел бирорта ҳам бўлинма йўқ. Уларнинг ҳаммаси хўжалик фаолиятидан фойда оладилар.

Бу йил хўжалик даромади 15 миллион 290 минг сўм ҳажмда планлаштирилди. Албатта, бу катта маблағ. Бироқ, уни олиш мумкин ва лозим. Чунки коллективимиз шундан бениҳоя манфаатдордир. Зероки, иш ҳақи, фойда даромаднинг бир қисмидир. Оладиган маошимиз амалга оширилган монтаж ишлари ҳажми ва аҳолига кўрсатилган хизмат учун тушадиган даромадга боғлиқ. Даромадлар материаллар, конструкциялар учун ҳақ тўлаш, шунингдек, бошқа барча харажатларини, жумладан, ўз ишлаб чиқариш базамизнинг техника жиҳатидан қайта ускуналаш билан боғлиқ бўлган сарфларни қоплаш учун ҳам кетади. Бунга ходимларнинг социал эҳтиёжларини қондириш, айниқса, трест ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари учун уй-жой қурилиши ҳам киради.

— Шунча катта миқдордаги даромадни келажакда оласизлар. Ҳозир у нақд эмас. Ҳозирги кундалик харажатларни трест қандай манбалар ҳисобига қоплямоқда? Сизларнинг омборларингизда электротехника асбоб-ускуналари тўлиб-тошиб ётмаган бўлса керак. Ёки ўтган йили бундай материалларни ғамлаб олганмидинглар?

— Биз ҳозирги вақтда сал кам планда белгиланган ҳажмдаги ўз фондимизга эгамиз. У ўн иккинчи беш йиллик ва 1986—1987 йиллардаги ишлар туфайли топилган фойдадан тўпланган. Коллективимиз нормативларга амал қилиб, хўжалик кенгашининг маъқуллаши билан меҳнатга ҳақ тўлаш фондини, айни вақтда социал тараққиёт ва уй-жой қурилиши ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондларини ташкил этди. Агар бизнинг жорий харажатлар учун ўз маблағларимиз бўлмаганида банк кредитидан фойдаланардик. Албатта, кредит учун олинган пулнинг проценти ҳам бўларди. Ҳозирги шароитда эса биз бундай ортиқча чиқимдан халосмиз.

— Трест асосан электротехника асбоб-ускуналарини монтаж қилиш билан шуғулланади. Демак, қишлоқ аҳолисига пулли хизмат кўрсатиш ҳам даромаднинг ортишига, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашнинг манбаи бўлиб қолишига олиб келиши мумкин. Трест раҳбарлиги асосий фаолиятга путур етказмаган ҳолда бу йўналишда юмушлар бажармоқчими?

— Хўжалик ҳисоби ишни ҳисоб-китобли, ақл билан олиб бориш демакдир. Бундан бир неча кун илгари трест коллективи меҳнат ресурслари ҳисобига қишлоқ аҳолисига кечки соатларда ва шанба кунлари ёрдам бериши мумкин, деган хулосага келинди. Биз кондиционерларни қуриш ва созлаш, электр узатиш линияларини профилактика ва ремонт қилиш ва бошқа шу каби электр монтаж ишларини бемалол бажаришимиз мумкин. Шундай йўл билан биз пенсионерларни, бошқа ишчи кучларини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этамиз. Бу билан даромадимиз кўпаяди. Қишлоқ меҳнаткашларига хизмат давлат баҳолари асосида ва нақд пулга кўрсатилади.

— Янги шароитларда ишлаётган қурилиш ташкилотининг ишлаб чиқариш базаси мустаҳкам бўлиши ҳаммага маълум. Шу соҳада трестда қандай ишлар олиб борилди, уларнинг истиқболи ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Мустаҳкам ишлаб чиқариш базасисиз қурилиш ишини муваффақиятли олиб бориш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам уни яратиш ва ривожлантиришга олдинги йилларда ҳам катта эътибор бердик. Эндиликда янада кўпроқ аҳамият беришимиз лозим. Ҳозирги вақтда трестнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондида деярли 4,5 миллион сўм пули бор. Биз бу маблағни 1988—1989 йилларда сарфлаймиз.

Аслини олганда ишлаб чиқариш базаси яратилмоқда. Калинин район территориясида олдинги жар ўрнида бизнинг конструкторлик-технологик бюромиз биноси ва иншоотлари қад кўтармоқда. Унда экспериментал ишлаб чиқариш ҳам бўлади. Бу бўлинма кичик заводни эслатади. Унда кўпгина самарали техникавий янгиликлар ҳосил бўлади. Айни вақтда трест ва унинг бўлинмалари ўз маблағлари ҳисобига янги механизмлар ва анжомлар харид қилмоқда ва монтаж-тайёрлаш участкаларини ускуналамоқда. Бундай участкалар ҳар бир колоннада бор. Бундан ташқари бригадаларда механизация постлари ишлаб турипти.

Коллективимиз электромонтаж ишларини ҳар томонлама индустрлаштириш ва комплекс механизациялаш, ишчи-хизматчиларнинг билимини ошириш ва уюшқоқлигини кучайтириш учун айрим тадбирлар эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган комплекс тадбирлар амалга оширилиши лозимлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам биз шу йўлдан борамиз. Бу хўжалик юритишнинг янги шароитларида жуда муҳимдир.

• *Тўла хўжалик ҳисоби шароитларида*

Ҳам асал, ҳам заҳар

Американинг Тошкентдаги туғаган кўргазмасига доир

Кимга қандай, лекин менга «АҚШ ҳаётида информатика» виставкаси ёқди.

Компьютерлаш соҳасида улар биздан ўзиб кетишган, албатта. Лекин, масалан, шу мақола виставкадагига ўхшаш дисплейда ёзилмоқда. Ёзиб бўлиб, кнопкани боссак, мақола бир лаҳзада редакциянинг электрон ҳисоб машинаси орқали бир йўла ўнлаб газеталарга етиб боради. Бизнинг дисплейлар ҳам, ЭҲМнинг ўзи ҳам СССРда ёки қардош социалистик мамлакатларда ишлаб чиқарилган.

Биз педагогикага, медицинага, турмушга ЭҲМни тезроқ жорий этсак соз бўлур эди. Кўпроқ шахсий компьютерлар, программалар, видеотерминаллар, турли ахборот системалари керак. Уларга америкаликлар каби болаликдан кўникаверишсин. Бунинг учун техника тараққиётини жадаллаштириш лозим, экономикани қайта қуриш ҳам ана шунга қаратилган.

Тошкентдаги виставкани салкам 250 минг киши кўриб кўрди, бу ерда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари бўлдилар. Агар мазкур экспозициянинг СССРда иш бошлаган пайтидан буён ҳисобланадиган бўлса, америкалик меҳмонлар айни бизнинг пойтахтимизда миллионинчи томошабинни табрикладилар. Бизга ҳақиқатан ҳам кўп қизиқарли нарсаларни кўрсатишди. Бунда бир «лекини» борки, уни ҳисобга олмаганда, биз АҚШ ҳаётидаги информатика тўғрисида тасаввур ҳосил қилдик. Ғам-ташвишни билмай, равнақ топаётган жамиятнинг ошкора пропагандадан иборат образини ташвиқ қилиш ана шу «лекини» эди. Буни тушунса ҳам бўлади: ўзларининг социал иллатларини намойиш қилиш учун СССРга келишмаганда. Муваффақиятлар осмондан тушмаганлиги кўрсатилганлиги яхши. Информатиканинг дастлабки куртаклари — эски «ундервуд» машинкасига, телефон аппаратига, арифмометрга ҳурмат билан назар ташлайсан, киши. Булар ҳам ўша ёқда, океаннинг нариги томонида бунёдга келган. Буюк инженерлар: Белл (телефон), Мергенталер (линотип), Морзе (телеграф), ниҳоят, шонли номи бутун инсониятга таниш бўлган Эдисоннинг портретларини кўрамиз.

Виставка олис мамлакатнинг турмуши билангина таништириб қолгани йўқ. У бошқа бир муҳим вазифага: душман образини ўтмишда қолдириш, уни қўшни образи билан алмаштириш вазифасига ҳам хизмат қилди. Шу қўшни билан ё бирга ҳаёт кечирилади ёки атом алангасида биргаликда нобуд бўлинади.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида америкаликларга ажратилган павильон бутун дунё КПСС Марказий Комитети Бош секретари билан АҚШ президентининг бўлажак Москва учрашувидан дарак топган бир пайтда халқларимизни бир-бирига яқинлаштириш манфаатлари йўлида умуман чакки ишламади, деб ўйлаймиз. Стендлар олди гавжум, саволлар дўлдай ёғилиб турди, яхши тайёрланган гидлар билан жонли мулоқотлар, ҳатто баҳслар ҳам бўлди...

Тўғри, гидларнинг баъзилари ҳатто ҳаддан ташқари яхши тайёрланган кўринади. Шуниси ранжитди — бизларни ким, деб ўйлашяпти?

Масалан, Жорж Ковачни олиб кўрайлик. Ажабланган томошабинлар неча марталаб виставка дирекциясига киришди: гид компьютерларни тушунмас экан, уларни кўрсатиш учун лоақал расмий равишда бўлса ҳам ҳақ олишадику, оддий саволларга жавоб қайтара олмайди, қолаверса жавоб қайтаришни унча истамайди ҳам. Унга ажабланмаса ҳам бўлади: унинг касби театр режиссеридир. Информатика бўйича мутахассис Жорждан симсиз телефонлар тўғрисида сўраган эди, бунга жавобан: вақтим йўқ, шошаётган бўлсангиз, бошқа экспонатлар олдига боринг, деган гапни эшитди. Ковач банд эди: қандайдир бир йигитга «Афғонистонга совет агрессияси» хусусида гап уқтираётганди. Тошкент алоқа институтининг доценти шахсий компьютерлар билан қизиққан эди, аммо Ковач шу пайтда одамларга Совет тузуми ёмону, Америка тузуми яхши, деб гапираётган эди. У доцентга: ёқмаса кетишингиз мумкин, ахир сизларда ошкораликку, деди. Американинг мақталган хизмати бунда панд берганлиги тасодифиймикан?

Тасодифий... бўлмаса керак... Гидларнинг совет кишилари билан қилган суҳбатлари мавзуидаги жиндаккина «назокатли иборалар» шу фикрга олиб келади. Даглас Смит, Абдулла Чиғатой, Жон Поммершайн, Ғабриель Шонфельд, Дан Барнетт ва бошқа кишилар унча мураккаб бўлмаган бештача идеологик найранг-бозлик усулини қўлландилар: Афғонистон, «сиз камбағалу, биз боймиз», «сиздаги ошкоралик бир пул», «бизда эркинлик бору, сизларда йўқ»... Яна бир усулни ишлатдилар: улар компьютер текстни қандай босаётганлигини кўрсатиб, меҳмонга тарғибот мазмунидаги варақа топширдилар.

Бизга бўлган бундай ҳурмат даражасини айрим гидлар ҳам, уларни АҚШда ёллаганлар ҳам намойиш этдилар. Юқорида келтирилган фактлар ҳақида менга томошабинлар ва бизнинг фотомухбиримиз сўзлаб берди. Мана уларнинг шахсий таассуротлари.

Залнинг қоқ ўртасида «Крайслер» автомобили турибди. У жуда яхши машина. Қадди қомати келишган ёш гид рус тилида жуда яхши гаплашади. Бу профессор Пол Илински экан. Жуда қизиқиб қолдик: нима сабабдан бу профессор бизга автомобилни кўрсатмоқда? Ёки у автомобиль фанлари профессоримикан?

Унга яқинлашиб суҳбатга қулоқ солдим. Йўғе, у автомобиль фанлари профессори эмас экан. Айтишига қараганда, Совет-Америка муносабатларини, марксизмни, умуман фалсафани ўрганган. Мана энди «Крайслер» ёнида туриб, ҳамжиҳатликка кўмаклашмоқда. Ундан: сизлар шундай машиналарни бизга экспорт қиласизларми, деб сўрашади. Йўқ, дейди у, экспорт қилмаймиз, ахир сиз ҳеч нима сотиб олмайсизку, бунинг учун валютангиз ҳам йўқ.

Бу қанақаси бўлди, деб ўйлаб қолдим. Профессор бўлатуриб, уларнинг ўзлари ўз фирмаларига кўпгина машина ва товарларни бизга сотишни тақиқлаб қўйишганини билмас экан. Профессор энди иккинчи саволга жавоб бермоқда. Мен, ҳар қалай, Марксни ўз юртимда ўрганганман. Сизнинг университетингизда эса капитализмни ўрганишнинг иложи йўқ. Унга бир аёл савол берди: нега энди, ахир бизда кутубхоналар... манбалардан ҳамма бемалол фойдалана олади-ку... У бўлса, бунга шундай жавоб берди: сиз шундай мутахассис эксанси, бу сизга равшанроқдир.

Шундан кейин виставканинг энг гавжум жойига ўрнашиб олган профессор (ахир «Крайслер» автомобили ёнидан ким лоқайдлик билан ўтаоларди?) мени экспонатларга қараганда кўпроқ қизиқтириб қолди. Мен шу заҳоти у билан суҳбатлашиб турган одамлардан интервью олабошладим. **В. Хасанов:** «Биз унга ёқмаймиз ва буни ўзи ҳам яшираётгани йўқ. Шундай экан, ана шунақа мезбонникида меҳмон бўлиш кўнгиллимикан?». **Ф. Уваркин:** «Ярим соатдан бери айланиб юрибман — компьютерлар ҳақида бирор оғиз гап йўқ. Бошдан оёқ сиёсатвозлик». **О. Юдес:** «Биз гид Пол Илинскидан советларга қарши кўпгина сўзларни эшитдик». **М. Могилева:** «У сизлар билан биронта ҳам тинчлик битимига эришиб бўлмайди, деб айтди. Ахир, бу ғирт ёлғонку»...

Эҳтимол у профессордир, лекин қанақа профессор экан? Майли, уни, бир четга қўйиб турайлик. Умуман, виставка қизиқарли. Биз улуғ мамлакат тўғрисида, унда яхши нарсалар ҳам, ёмон нарсалар ҳам борлиги ҳақида билиб олдик, бунда яхши ният билан бошқа халқ ҳузурига келганда қанақа ишлаш кераклигини ва ўзини қандай тутиш лозимлигини ўрганиш мумкин.

«АҚШ ҳаётида информатика» экспозицияси мамлакатимиз бўйлаб бошқа томонга — Иркутск, Магнитогорск, Ленинград, Минск шаҳарларига йўл олади. Американинг меҳмонларни юз минглаб совет кишилари билан янги-янги учрашувлар кутмоқда. Уларга умумий фаровонлик йўлида муваффақиятлар тилаймиз. Ўзбекистонда айтиш удум бўлиб қолганидек, — оқ йўл, сизларга!

Ю. КРУЖИЛИН,
ЎзТАГ мухбири.

Бу ҳақда республика агросаноат комплекси ходимларининг қурултойида гапирилган эди

ХЎЖАСИЗЛИК ОҚИБАТЛАРИ

Оққўрғон районидаги айрим хўжаликларда минерал ўғитларни сақлаш ва фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда

ЯҚИНДА бўлиб ўтган агросаноат комплекси ходимларининг республика қурултойида пахтачиликда минерал ва органик ўғитларни ишлатиш нормасининг йил сайин кўпайиб, уларнинг сифати яхшиланаётгани, бироқ самарадорлик эса пасайиб кетаётганлиги танқид қилинган эди. Биз областимиз район хўжаликларидаги бу борадаги аҳвол билан танишиш мақсадида Оққўрғон районига йўл олдик.

Биз бу районни танлашимизнинг боиси бор. Чунки районда ўтган хўжалик йилида давлатга пахта сотиш йиллик плани бажарилмади. Балки, бунинг сабабларидан бири, қурултойда таъкидлаб ўтилганидек, минерал ўғитлардан фойдаланиш ва уни сақлашда ўзибўларчиликка йўл қўйилаётганидадир?

Район партия комитетининг қишлоқ хўжалик бўлими ходими Ўктам Эрматов мақсадимизни билгач, у бизга Охунбобоев номли колхозга боришимизни тавсия қилди. Колхозда минерал ўғитлар сақланадиган намунали омборхона борлигини ҳам қўшиб қўйди.

Биз Ў. Эрматовга 14 февраль куни Ўзбекистон телевидениесида танқид қилинган Ҳамид Олимжон номли колхозга боришимизни айтдик. Район «Сельхозхимия»сининг ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича агрономи Қ. Аҳмедов бизга ҳамроҳ бўлди.

Айтмоқчи, колхоз олдинлари райондаги энг илғор хўжаликлардан бири эди. Кейинги йилларда эса бунинг акси бўлиб қолди. Ўтган 1987 хўжалик йилида ҳам давлатга планда белгиланганидан 283 тонна кам пахта сотилди. Шу туфайли ҳосилдорлик пасайиб, гектарига пландаги 28,7 центнер ўрнига 23 центнерни ташкил қилди, холос.

Хўжаликда бўлганимизда, биз одамлар билан гаплашдик. Ўтган йилги қолоқликнинг сабаблари билан қизиқдик. Уларнинг фикрича, кейинги 3-4 йил ичида раҳбарлик бўшашиб кетган. Меҳнатни ташкил этишда ва меҳнатга ҳақ тўлашда янгиликлар қўлланилмаган. Хуллас, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилмаганлиги, илғорларни рағбатлантиришга панжа орасидан қараб келинганлиги колхознинг ночор аҳволга тушишига сабаб бўлган. Биз колхоздаги ишлар билан танишувимиз пайтида минерал ўғитлардан фойдаланишга бўлган эътибор билан ҳам қизиқдик.

Колхознинг янги правление раиси Эргаш Ниёзов бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Республика телевидениесининг «Ахборот» танқид қилади» кўрсатувида хўжалигимиз тўғри танқид қилинди. Бу, албатта, колхозимиз аҳли ва колхоз раҳбарларига жуда уят. Биласизми, колхоздаги ишлар аллақачонлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган экан... Минерал ўғит ҳам, техника ҳам қай аҳволда келтирилган ботиб, қаровсиз ётганлигини кўриб таажжубландик. Ўтган йиллар мобайнида ҳатто, ремонтчи-слесарлар учун тузукроқ усти ёпиқ бостирма ҳам қурилмаган. Буни кўриб механизатор ва гараждагиларга балли дейсан, ахир, улар қўкламда ишлатиладиган техникани оғир шароитда ҳам созлаб қўйишипти.

— Колхоз мутахассислари билан бамаслаҳат иш бошлаб гаражни тартибга келтирдик, — давом этади раис. Райижроком ва РАПОдагилар 2 минг дона шиферлар ёрдам беришди. Энди техника ва ўғитимиз қуруқда — бостирма тагида сақланяпти.

... Айни пайтда колхозда деҳқонларнинг кайфияти баланд. Мавжуд бригадалар аъзолари пудратда ишлаш учун колхоз билан шартнома туздилар.

Минерал ўғитлардан фойдаланишда ўтган йили камчиликларга йўл қўйилганлигини ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Район «Сельхозхимия»си ходимларининг маълумотига қараганда хўжаликда ўтган хўжалик йилида 1 тонна пахта етиштириш учун парвариш давомида 85 килограмм азотли, 68 килограмм фосфорли ва 41 килограмм калийли ўғит ишлатилди. Ваҳоланки, бошқа райондаги хўжаликларда юқоридаги кўрсаткичдан кам миқдордаги ўғит сарфланиб, кўп пахта олинмоқда. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ўғитлардан фойдаланиш фақат қоғоздагина тўғри. Амалда эса... уни сақлашдан тортиб, то дала бошига келтирилгунча нобуд қилинганлиги ҳеч кимга сир бўлмаса керак.

Янги раис шу сингари камчилик ва нуқсонларни тезроқ бартараф этиб, бу йилги мавсумни намунали ўтказиш ва давлат планини бажариш учун бор имконият ва резервлардан унумлироқ фойдаланиш ҳаракатида. Ҳа, колхозчилар айни кунда ўтган йилларда йўл қўйилган хатоларни тузатишга бир ёқадан бош чиқариб астойдил киришдилар...

Район раҳбарлари энг намунали деб ҳисоблашган Охунбобоев номли колхозда ҳам бўлдик.

РАПОнинг бош агрономи Сайфиддин Саидакбаров билан хўжаликнинг К. Маркс номли участкасидаги омборхонага кирамиз. Томнинг тепасига қарасангиз, тешиклардан тушаётган ёруғдан кўзингиз қамашади. Бурчакдаги бир тоннага яқин селитра устига сув томавериб «тош»га айланган. Сақланани. Нима қипти, кўп бўлса 400-500 килограмм фосфор чиқади-да!..

Бу гапларни эшитиб ажабландик. Наҳотки, колхознинг етакчи мутахассиси исроф бўлаётган ўғитни кўра туриб, шунчалик хотиржам бўлса? Унда бошқалардан нимани кутиш мумкин?

Маълум бўлишича, хўжаликда ўтган йили планда белгиланган 73 минг сўмлик азотли, 44 минг сўмлик фосфорли ўғитларнинг ҳаммаси сарфланган. Хўш, ҳаммаси экин парваришида ишлатилдими? Ёки фақат қоғоздами?

Саволимизга колхознинг бирор мутахассиси жавоб бера олмади.

Ахир, нима ҳам дейишсин. Колхоз ўтган йили давлатга минг тоннага яқин пахта топширмади. Бироқ, ўғит эса «қоғозда бўлса» ҳам сарфланди.

Биз ҳисоблаб кўрдик. Бир тонна фосфорли ўғитнинг нархи 172 сўм турар экан. Уни колхоз омборига ташиб келтириш билан қўшиб ҳисоблаганда қариб 200 сўмга тушади. Демак, раис бизга айтган «йўқ имконият» уларнинг кўз ўнгида йўқотилмаяптимикан?!

Биз ўша куни Оққўрғон районидаги 2 та хўжаликдагина бўлдик. Райондаги бошқа хўжаликларда ҳам аҳволни яхши деб бўлмайди. Ҳар бир хўжаликда минерал ўғитларни сақлаш ва ундан фойдаланишда қатъий тартиб ўрнатиш учун зарур чоралар кўриш керак. Акс ҳолда, бу йил ҳам пахта етиштиришда имкониятлар бой берилиши мумкин.

Н. ТЕМИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони берилиб, «Қаҳрамон она» ордени топширилсин

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Абдураимова Баён Носировна — уй бекаси, Коммунистик райони.

Айтқулова Анор — Коммунистик районидаги «Правда» колхоз аъзоси.

Оллоёрова Ҳамро — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Отажонова Турдихон — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз аъзоси.

Аҳмедова Аринча Ибромқуловна — Янгийўл районидаги Тимирязев номли совхоз ишчиси.

Ахролова Жамила — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози аъзоси.

Бегматова Нормомо Қаюмовна — Бўка районидаги «Кўкорол» совхози ишчиси.

Бердиқулова Қундуз — Бекобод районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Губеева Мария — Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Жалилова Майрам — Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхози ишчиси.

Исмоилова Анор — Бўка районидаги Мичурин номли колхоз аъзоси.

Катунадзе Махпула — уй бекаси, Янгийўл шаҳри.

Қувондиқова Офтобхон — — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Медавкеева Қизжон Қорибоевна — Бўка районидаги «Кремль» совхози ишчиси.

Мирзамуродова Мукаррам — уй бекаси, Ангрен шаҳри.

Мўминова Ҳури — уй бекаси, Калинин райони.

Пармонова Шоминиса — Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхози ишчиси.

Собирова Ёқут — уй бекаси, Тошкент райони.

Тошпўлатова Мукаррам — уй бекаси, Бекобод райони.

Турғунова Қарши — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Ўсарова Турсуной — Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Ҳайдарова Иқбол — Бекобод районидаги «Далварзин» совхози ишчиси.

Холматова Ўлгай Турсунбоевна — Бекобод районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Ҳамдамова Насбали — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Хатамова Раҳима — Бўка районидаги «Кремль» совхози ишчиси.

Худойқулова Саври — уй бекаси, Бўка райони.

Эргашева Тошбу — уй бекаси, Оржоникидзе райони.

Эргашева Хумор — Бўка районидаги Жамбул номли колхоз аъзоси.

Эрматова Асалхон Бекбоевна — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Юсупова Мариям — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль 17 март 1988 й.

• Тошкент область партия комитетининг пленуми олдидан

ИЖОДГА ЎРГАТИШ КЕРАК

Мактаб ишини қайта қуриш ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Партиямиз Марказий Комитетининг февраль Пленумида бунинг аҳамияти таъкидланар экан, ёш авлодга билим бериш сифатини яхшиламай туриб ўзгаришларга эришиш мушкуллиги эътироф этилди. Пленум материаллари билан танишар эканман, унда бугунги кун учун долзарб бўлиб ҳисобланган жуда катта муаммолар ҳақида сўз юритилганлигининг гувоҳи бўлдим. Бу биринчидан, ўқитувчига бўлган муносабатни дарҳол ўзгартириш масаласи. Чиндан ҳам ўз билим ва ғайратини эрта-ю-кеч болалар таълим-тарбиясига бағишлаган педагогни бўлар-бўлмас ишлардан холи этиш, унинг ўз қобилиятини намойиш этиб ишлашига шарт-шароит яратиш керак. Айни пайтда ишга шунчаки келиб кетадиган, меҳнати билан на педагогик коллектив, на болалар ҳурматини қозонмаган ўқитувчидан халос бўлиш зарур. Бундайлар эса мактабларда оз эмас.

Пленум ҳужжатларида болаларнинг билим савиясини оширишга эътибор бериш керaклиги алоҳида таъкидланган. Бунга ўқувчида ижодий ишга ҳавас уйғотиш орқали эришиш мумкин. 25 йиллик педагогик фаолиятимда бунга тўла ишонч ҳосил қилдим. Ўзим Тошкенддаги М. Шайхзода номли 167-ўрта мактабда инглиз тилидан дарс бераман. Дастлаб қанчалик қийналганим, болаларда қизиқиш уйғотолмаганим ёдимда. Кейин институтда дарс берган мураббийларимдан бирининг «ижодий иш билан шуғулланган ўқувчидагина билимга қизиқиш уйғонади» деган сўзларини эслаб иш юритдим. Шу тариқа мактабда «Ёш таржимонлар» тўгараги ташкил этилди. Ўқувчилар луғат билан иноқлашиб кетдилар. Олдинига сўзларни, кейин гапларни ва кичик парчаларни ўзлари таржима қилишгандан кейингина активлик ортди. Энди улар газетани бемалол инглизча чиқара оладилар. Бир-бирлари билан суҳбатлашадилар.

Иккинчи бир фикрим — болани ўзи истамаган касбга зўрламаслик тўғрисида. Бу мактаблардан ҳунартехника билим юртларига мажбуран юборилаётган болалар тақдирига тааллуқли. Кўпинча ота-оналар, ўқувчиларнинг ўзлари бунга рози бўлишмайди. Хўп уларни амаллаб кўндириб юбордик ҳам дейлик. Лекин, ўзида қизиқиш бўлмаган бола касб эгаллайдими? Умри бекор ўтади. Унга давлат сарфлаган маблағ ҳам беҳуда кетади.

Яна бир муаммо. Ҳозирги кунда бир қатор мактабларда куни узайтирилган группалар ва 6 ёшлилар синфлари очилган. Лекин жуда кўп жойларда улар фан кабинетлари ҳисобига ташкил этилмоқда. Оқибатда қийинчилик билан безатилган кабинетларни болалар ўйинқароқлик билан «ишдан чиқармоқда»лар. Демак, бундай группаларни фақат шароити мавжуд мактабларгина ташкил этиш керак, деб ўйлайман.

Умуман, ўрта мактаб ва маориф ишини такомиллаштириш бўйича педагоглар олдида бажариладиган ишлар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар кўп. Улардан ҳеч биримиз четда турмаслигимиз керак.

Т. МАҲМУДХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

✦ ГАИДАГИ ҚАЙТА ҚУРИШ
✦ НОСОЗ АВТОМОБИЛЬ ВА ФАЛОКАТ
✦ АВАРИЯГА САБАБ ИНТИЗОМСИЗЛИКЛАР

№ 3 (32)

— МАЪМУР Маҳмудович, яқинда ҳаракат хавфсизлигига бағишланган эътиборли йиғилишда жуда ташвишли рақамлар келтирилди: 1987 йилда областимиз кўча ва йўлларида 1964 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, уларда 377 киши ҳалок бўлди ва 2121 киши жароҳатланди. Бу, юзаки қараганда шунчаки қуруқ рақам, лекин ўйлаб кўрсангиз даҳшатли ҳолку! Ҳаётдан бевақт кўз юмган 377 инсон туфайли неча хонадонга аза кирди, қанча болалар етим қолди, неча ота-она фарёд чекди... Жароҳатланган 2121 кишининг эса қанчаси бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолди! Буларнинг ҳаммаси — автомобиль туфайли. Шундайми?

— Йўқ, автомобилни бошқарган ва бошқараётган одамлар туфайли дейиш тўғрироқ бўлади. Афсуски, «бошқарган»ларнинг кўпи ҳозир орамизда йўқ, ана шу 377 марҳум қаторида кетишган улар.

— Бу рақамлар аввалги 1986 йилдагига нисбатан камайганми? Умуман, йўл-транспорт ҳодисалари камайяпти ва уни камайтириш йўлида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— 1987 йилда 1986 йилдагига нисбатан автоҳодисалар ҳам, жароҳатланганлар ҳам камайган: 1986 йилда 1981 та ҳодиса содир этилган, 2190 киши жароҳатланган. Кўряпсизки, «нисбат» жуда оз. Автомобиллар сони кун сайин ортаётган айни даврда автоҳодисаларнинг шу оз даражада камайгани билан ҳам «ишлаяпмиз»!», дея кўкракка урриш мумкин. Бироқ, биз, область Давлат автомобиль инспекциясининг коллективи бу тарзда мақтаниш фикридан йироқмиз. Гарчи йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайиши ёки камайиши фақат ГАИ ходимларига боғлиқ бўлмаса-да, бунда асосий масъулият бизнинг зиммамизда эканлигини унутмаслигимиз керак.

— Сиз ГАИ билан мутлақо алоқаси йўқ автоаварияларнинг сабабини айтишни айбни бировга ағдариш баҳонаси деган иддиолага ҳам боряпсиз... Шунинг учун бу борада бир мисолни мен эслатиб ўтмоқчиман. Бу иш ҳатто судгача етиб борган, ҳайдовчи 15 йилга озодликдан маҳрум этилган.

— Тошкент — Қибрай йўлида маршрутли такси «МАЗ»га урилганини айтяпсиз-да?

— Ҳа, ўша ҳодиса. Улганлар рўйхатини қаранг: ўн кишининг орасида битта эркак, у ҳам бўлса шофер, қолган тўққиз нафари аёллар ва қизлар. Кўпи техникум ва институт студентлари, ҳатто биттаси бешинчи синф ўқувчиси экан.

— Айб аввало «МАЗ» қарашли бўлган «Узбитавтотранс» бирлашмасининг 1-автобазаси маъмуриятида. Улар, ҳайдовчи «машинам носоз» деб ҳатто путёвкага имзо чекмаганлигига қарамасдан мажбур қилиб икки кун рейсга чиқаришган. Чорвоқдаги қурилишга ғишт ташиган. Учинчи куни Чорвоқдан қайтаётганида зарур дақиқада тормозни босган, лекин прицеп тормози носоз бўлгани сабабли машина рўпара қатнов йўлига чиқиб кетиб, рўпарадан келаётган маршрутли таксига урилган. Такси ҳайдовчиси ҳам ҳаракат хавфсизлиги қоидасини илгарироқ бузган эди — салонга нормадаги 10 ўрнинг 15 нафар (!) йўловчини босган.

— «МАЗ» шофери Григорьян 15 йилга, носоз машина рейсга чиқишига рухсат берган механик Григоренко уч йилга озодликдан маҳрум этилибди...

— Гап ким қанча жазоланганида эмас, балки, ҳар ким ўз вазифасига масъулият билан қарашида. Григорьян носоз машинада рейсга чиқмайман, деб туриб олса, биров уни куч билан кабинага ўтқазмас эди. Тўғри, бу воқеада автобаза раҳбарларининг ҳам катта айби бор, бироқ, машина йўлга чиққанидан кейин унга фақат ҳайдовчи жавоб беради. Шу ўринда бизнинг ходимларимиз автохўжаликларда текшириш ўтказганда жами машиналарнинг 20—30 фоизигача техникавий носоз эканини аниқлаши, уларни бартараф этиш тўғрисида тавсиянома ёзиши ва... эртасига контрол текширувда ўша носоз машиналар яна рейсга чиқариб юборилаётганига гувоҳ бўлишимизни эслатиб ўтмоқчиман. Бу носоз машиналар билан эса йўлда истаган дақиқада юқоридагига ўхшаш хунук ҳодиса рўй бериши мумкин.

— Мисоллар келтириш мумкинми?

— Истаганча. Масалан, носоз руль билан автомобилнинг йўлга чиқишини ҳеч бир баҳона билан оқлаб бўлмайди. Шу кунларда эса, ГАИ томонидан бир неча марта ёзма огоҳлантиришга қарамасдан, Бўстонлиқ автобус-таксомотор паркида 20 та, Тўйтепа АТПсида 15 та, Ангрен АТПсида 5 та ПАЗ-672 автобуслари носоз руль механизми билан фойдаланилмоқда. Бу машиналар йўловчи ташийди! Шу йил 20 февралда областдаги автобус-таксомотор парклари гаражга кираётган автобуслардан 480 тасининг техник ҳолати текширилди ва улардан 171 таси (36 процент) носоз экани аниқланди. Шундан Бекобод АТПсида 90 тадан 25 таси, Бўкада 70 тадан 11 таси, область автопаркида 22 тадан 10 таси, Олмалиқда 40 тадан 29 таси носоз эди. Эртаси куни эрталаб линияга чиқарилаётган 1061 та автобус текширилганида эса улардан 308 таси (29 проценти) носоз чиқди. Улар орасида юқорида номлари аталган АТПлар ҳам бор эди...

Афсуски, маст шоферга нисбатан бунақа муносабат ягона эмас. Бунақа ҳомийлик ва шунчаки кўнгилчанлик билан жазони сусайтириш эса маст ҳолда машина бошқаришдек жиноий иллатга қарши кураш йўлида бизга ёрдам бермайди, балки аксинча, «ойқдан чалади».

— Кайф билан руля ўтиришга ботинаётган «ботирлар»ларнинг «состави» қанақа?

— Ҳар хил. Айтиш керакки, улар орасида амалдор шахслар камайди. Бу, албатта, ўша кескин чораларнинг яхши оқибати. Ҳозир «рулда ичаётганлар» орасида ҳамон коммунистлар учраётгани, ёшларни ичкиликбозликка нафрат руҳида тарбиялашга даъват этилган педагоглар, ичкиликнинг зарарини ҳаммадан кўра кўпроқ билиши керак бўлган шифокорлар ҳам борлиги ачинарлидир.

— Ана шунақа «янги маслар» билан газетхонларни таништириб ўтамизми?

— Яхши бўлади. Коммунистик районидан: 20-ўрта мактаб ўқитувчиси, КПСС аъзоси А. Тягай, РАПО граждан мудофаси штабининг бошлиғи, КПСС аъзоси Т. Раҳимов, 16-автосервис слесари Ю. Юсупов; Янгийўл районидан (шу районда қўлга тушганлар): Сергели авиаотрядининг бошлиғи Б. Пигузов, Ғалаба райкоопторги қассоби А. Эрназаров, «Янгиюльторг» сотувчиси Ш. Комилов; Бўстонлиқ районидан: район халқ маорифи бўлими инспектори Н. Кайдиллаев, 6-ўрта мактаб ўқитувчиси Ж. Азимбоев, 4-ПМК катта инженери Г. Керер; Ўрта Чирчиқ районидан: Крупская номли матбулот жамияти магазин мудири О. Исомиддинов, «Қорасув» матбулот жамияти магазин мудири К. Султонов, чойхоначи А. Шеразимов; Чиноз районидан: «Олмазор» матбулот жамияти магазин мудири Ж. Алиев; Оржоникидзе районидан: «Узбекбирлашув»га қарашли ихтисослашган коопторг ошпазлари Г. Халилов, А. Усмонов, магазин мудири Т. Ризаев... Бундай шахсларга нисбатан фақат ГАИ томонидан белгиланган жазо билан чекланиб қолмасдан, улар ишхонасида ҳам қатъий жазолангандагина маст ҳайдовчиларни камайтиришда кўнгилдаги натижага эришамиз.

— Ҳозирча ундайларга энг енгил жазо — 100 сўм жарима, шундайми!

— Шундай. Бироқ бу жазо ҳам лозим топилганда, асосан, шофер вазифасида ишлайдиганларга қўлланади. Таъкидлайман — лозим топилганда холос, камдан-кам ҳолларда.

— Шунингдек, шахсий машина бошқарувчиларга, ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган ҳолда ҳам 100 сўм жарима жазоси қўлланилади. Айтинг-чи, у одамнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси бор-йўқлигини дарҳол аниқлаш қийин-ку, уни осонлаштиришнинг йўли борми!

— Тоғдик йўлини: ўтган йилдан бошлаб техника кўригидан ўтаётганда машиналнинг техпаспортига ҳайдовчи гувоҳномасининг серия ва номери қайд этилмоқда.

— Раҳбар сифатида кўнглингизга оғир ботса ҳам, бир шубҳани айтмоқчиман: маст ҳайдовчиларнинг рўйхатини ҳар гал кўрганимда, «гувоҳномаси йўқ» деган маълумот кўпинча савдо ёки умумий овқатланиш корхонаси ходимларининг фамилияси рўпарасига қўйилади...

— Тушундим шубҳангизни — бунда автоинспекторларнинг «қўли» йўқмикин, демоқчисиз-да. Йўқ, улар ҳайдовчининг кайфи борлигини расмийлаштирганидан кейин унинг гувоҳномаси бор-йўқлигини қандай қайд қилишининг аҳамияти йўқ. Бу билан одамларимизнинг ҳаммаси оппоқ, бенуқсон деган фикрни айтмоқчи эмасман. Улар орасида қоидабузар ва қонунбузарлари ҳам, нопоклари ҳам бор ва ундайлар аниқланган заҳоти ишдан четлаштирилмоқда — бошқа йўл йўқ! Муроса йўқ! Кейинги йилларда ўнлаб ана шундай ходимларнинг бахридан ўтганимизни яширмаймиз. Спиртли ичимлик истеъмол қилган (ҳатто ишдан ташқари вақтда бўлса ҳам!), ўз вазифасига лоқайд қараган, бошқа қилмишлари билан ўзини обрўсизлантирган қатор ходимлар ишдан, яъни милициядан бўшатилди. Катта лейтенантлар А. Ғиёсов, Б. Холов, М. Мамиров, лейтенантлар Б. Тожибоев, А. Ҳожимуҳамедовлар шулар жумласидандир.

— Қайта қуриш талаблари асосида қандай тадбирларни амалга оширяпсизлар?

— Албатта, биринчи навбатда — ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, демакки, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва камайтиришга қаратилган тадбирлар. Бу йилдан бошлаб ГАИ масъул ходимлари билан автохўжаликлар коллективининг «ишонч суҳбати»ни ўтказаяпмиз. Биз ҳайдовчилар коллективи олдида деймиз: юрагингизда бор гапни айтинг — бирон автоинспектор сизни ноҳақ жазоладими, ноўрин ҳафа қилдими ёки тамагирлик рўй бердими, умуман автоинспектор билан ҳайдовчининг муносабатларини умумий ишга фойдаси тегадиган қилиб яхшилаш бўйича қандай таклифларингиз бор?

Яқинда Нариманов шаҳридаги йирик 56-автобазада шундай учрашув бўлиб ўтди. Бу автохўжалик машиналари шаҳарлараро юк ташиёди. Учрашувда Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрининг ўринбосари Т. А. Тўхтаев, министрликнинг ГАИ бошқармаси бошлиғи М. А. Ваулин, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд областлари Давлат автомобиль инспекциясининг раҳбарлари, республика Автомобиль транспорти министрлигининг масъул ходимлари қатнашдилар.

— Келинг, очиқчасига гаплашамиз, — деди Т. Тўхтаев шоферларга мурожаат қилиб, — сизлар шаҳарлараро рейсларда қатнайсизлар. ГАИчилар бехудага кўп тўхтатяптими? Бозорда мева ва қовунтарвузнинг қимматлигига шоферлар билан ГАИчилар ҳам айбдор дейишяпти, тўғримми?

Шунга ўхшаш очиқ ва ишончли суҳбатлар, ўйлайманки, ишга фақат ёрдам беради ва бу тажрибани бошқа автокорхоналарда ҳам давом эттиряпмиз. Яна бир муҳим янгилик — шу йил 1 январдан областимизнинг барча районларида «участка усули»ни жорий этдик. Бунинг мазмуни шуки, илгари район автоинспекциялари ва автоинспекторларнинг иши улар аниқлаган қоидабузарликларнинг сон кўрсаткичи билан баҳоланарди. Яъни, ким қанча кўп қоидабузарни аниқлаган бўлса ўша яхши ишлаган! «Участка усули» эса бунинг тескариси ҳам дейиш мумкин — қайси автоинспекторнинг участкасида кам қоидабузарлик ва йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлса — ўша яхши ишлаган бўлади. Ҳар бир районда маълум бир автоинспекторга маълум территория биркитиб қўйилди. У айни пайтда ўша территорияда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тадбирларининг масъул раҳбари ҳам ҳисобланади.

1 мартдан бошлаб «Инструктаж карточкаси»ни жорий этдик. 30 та карточканинг ҳар биттасида 7 тадан савол бўлиб, бу саволлар йўл-патруль хизматининг барча соҳаларига оид: йўл ҳаракати қоидаларидан тортиб, автоинспектор ҳайдовчи билан қандай муомалада бўлишигача эътиборга олинган. Ҳар куни «развод» пайтида ёки машғулотларда автоинспекторларга карточка тарқатилиб, ўзига хос имтиҳон қилинади... Бундан ташқари, қозир хизмат аттестацияси ўтказилмоқда ва бу ҳам номуносиб ходимларни аниқлаш ва ундайлардан халос бўлишга ёрдам беради.

— Бу тадбирларнинг барчаси, охир-оқибатда йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига, демакки, бевақт ўлим ва шикастланишларнинг олдини олишга, уларни камайтиришга хизмат қиладми, шундайми!

— Албатта. Бироқ, суҳбатимиз сўнггида, масъулиятнинг бир қисмини бошқалар зиммасига юклаш ниятида эмас, балки объектив бир ҳақиқатни яна таъкидламоқчиман: кўча ва йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш фақат ГАИ ходимларининг эмас, аввало кенг жамоатчиликнинг ҳам иши бўлгандагина, қолаверса, бу ўта муҳим ишга даҳлдор қатор идора ва муассасаларнинг раҳбарлари, масъул ходимлари ўз вазифаларига виждонан ёндошганларидагина яхши натижага эришамиз!..

Суҳбатни Ҳ. ОЛИМЖОНОВ ёзиб олди.

ТАШВИШЛИ РАҚАМЛАР

Область Давлат автомобиль инспекциясининг бошлиғи М. АҲМЕДОВ билан суҳбат

Хатлар „ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" назоратида

ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

И. Каттабеков мендан 2 минг 500 сўм қарз олиб ваъда қилган вақтида қайтариб бермади. Пулимни ундириб олишда ёрдам бершларингни сўрайман.

Б. ХОЛМАТОВА,
Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозининг Навоий участкаси.

Хат бўйича Коммунистик район ички ишлар бўлими томонидан текшириш ўтказилди. Маълум бўлишича, И. Каттабеков илгари Янгибозор посёлкасидаги Шевченко кўчасининг 12-уйида яшаган. 1984 йилнинг 11 майида рўйхатдан ўчиб, хотини Г. И. Анишченко билан Қозоғистон ССРнинг Чимкент область Қизилқум район Оқдала қишлоқ Совети территориясига кўчиб кетган. Ҳозир у кўрсатилган адресда яшаяпти.

Б. Холматовага қарзини ундириб олиш учун Ўзбекистон Гражданлик процессуал кодексида кўрсатилган қоида бўйича И. Каттабеков яшаб турган территориядаги халқ судига мурожаат қилиш тавсия этилади.

●

Уйдаги чироқларимиз тез-тез ўчиб туради. Бунинг устига энергия қуввати кам. Натижада телевизор, радиоприемник, холодильникларимиз бир меъёрда ишламаяпти. Бу ҳақда район электр тармоқлари ходимларига бир неча бор мурожаат қилдик. Афсуски, ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

Т. ДУСОНОВ,
Тошкент районидаги «Ленинград» совхози.

Текширишда хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланди, дейилади район электр тармоқлари корхонаси бош инженери ўринбосари А. С. Трофимовнинг редакцияга юборган жавоб хатида. Кўрсатилган камчиликлар бартараф этилди. «Ленинград» совхозининг Авангард кўчаси аҳолиси шу кунларда энергия билан нормал таъминланмоқда.

Бизнинг ахборот

МОСКВАДАН ХАТ

БАДИИЙ КЎРГАЗМА

Шу кунларда Москвадаги Марказий Рассомлар уйида «Рассомлар — халққа» деб номланган Бутуниттифоқ бадиий кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Мазкур кўргазмада тошкентлик ижодкорлар ҳам ўзларининг ранг-баранг мавзулардаги асарлари билан қатнашяптилар. Айниқса, М. Кагаровнинг «Довон», Г. Туленбоевнинг «Ўтлоқдан қайтиш» картиналари томошабиннлар томонидан илиқ кутиб олинди. Шунингдек, санъат шайдоларн иқтидорли рассом Ж. Умарбеков асарларини ҳам қизиқиш билан кўздан кечирмоқдалар.

Кўргазманинг манзаралиамалий санъат бўлимида эса И. Қўчқоров яратган оригинал шарқ чойнакларн, Марғилон, Самарқанд ва Шаҳрисабз усталари ижодига мансуб лнкоплар, гулли дастурхонлар кабн турли уйрўзғор буюмлари қўйилган.

Экспонатлар серқуёш Ўзбекистоннинг гўзал табнати ва меҳнаткашлари ҳаёти ҳақида мароқли ҳнкоя қнлади.

Г. ХОБОТЬЕВ.

«ИСТЕЪДОД» ТЕАТРИ ХАЛҚОБОДДА

Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати институтида фаолият кўрсатаётган «Истеъдод» театри А. Қаҳҳорнинг икки пардали «Сўнгги нусхалар» комедиясини тайёрлади.

Асарни В. Назаров ва М. Соҳибовлар муваффақиятли саҳналаштирдилар. Бўлажак актёрлар Г. Ризамуҳамедов, Г. Дадамирзаева, Р. Қодиров, А. Оқсоқоловлар ўзларига топширилган ролларни маҳорат билан ижро этиб, томошабинлар эътиборига сазовор бўлмоқдалар.

Яқинда Халқобод Маданият саройида студентлар тайёрлаган спектакль томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Т. ИЎЛДОШЕВА,
ТошДУ студенти.

НУРОБОД ЯНГИЛИКЛАРИ

● «УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» трестининг 2-механизациялашган кўчма уйсозлик колоннаси бунёдкорлари қурган 56 квартирали янги уй фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги кунда посёлкада иккита 56, битта 16 квартирали уйлар, кўплаб коттежлар қурилмоқда. 1988 йилда 8 минг квадрат метр ҳажмдаги турар-жой бинолари қуриш планлаштирилган.

● ЯНГИ Ангрен ГРЭСи директори, Нуробод посёлка Совети депутати Ю. Долинга ўз сайловчилари даволаш муассасалари қурилишини тезлаштириш ҳақида наказ берган эдилар. Депутат мазкур наказни бажаришга алоҳида ғайрат билан киришди: 120 ўринли касалхона ва суткасига 200 беморни қабул қила оладиган поликлиника бинолари қурилиши тезкорлик билан олиб бориляпти. Чунончи, бўлажак поликлиника биносида пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Бунёдкорлар ҳар икки объектни йил охиригача фойдаланишга топширишга аҳд қилганлар.

А. НАВРЎЗОВ.

СПОРТ

ЭРКИН КУРАШ

● Эркин кураш бўйича мамлакатимиз терма командаси аъзолари жаҳон кубоги мусобақаларининг ҳал қилувчи матчида АҚШ командасини 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ўн иккинчи бор соврин соҳиби бўлдилар. Курашчиларимизнинг етти нафари шоҳсупанинг юқори поғонасидан ўрин эгаллашди. Улар орасида тошкентлик М. Хадарцев ҳам бор.

СТОЛ ТЕННИСИ

● Париждаги «Берси» спорт саройида ўтказилган стол теннниси бўйича Европа чемпионатининг сўнгги турида Флюра Булатова руминиялик теннисчи О. Бадеск устидан 3:2 ҳисобида ғолиб келиб, қитъанинг биринчи ракеткаси унвонига сазовор бўлди. Жуфт мусобақаларда Флюра харьковлик Е. Ковтун билан кумуш медали қўлга киритди.

ФУТБОЛ

● Сочида биринчи лига командалари ўртасида ўтказилган мамлакат кубоги зона мусобақалари якунланди. Сўнгги ўйинда Ланчхутининг «Гурия» командаси билан дуранг (0:0) ҳисобида ўйнаган Тошкентнинг «Пахтакор» командаси ярим финал мусобақаларига йўлланма олди.

● «Пахтакор» командаси хотира соврини учун ўтказилаётган мусобақанинг ярим финал ўйинлари бўлиб ўтди. Унда Тошкентнинг «Трактор» командаси Жиззахнинг «Ёшлик», Чирчиқнинг «Сельмашчи» командаси эса Фарғонанинг «Нефтяник» коллективини қабул қилди. Иккала ўйинда ҳам асосий ва қўшимча вақтлар дуранг натижа билан якунланди. Пенальтидан тўп киритишда мезбонлар ғолиб чиқишди.

Финал 11 август куни ўтказилади.

СПОРТ

• Биз — интернационалистлармиз •

АФҒОН БОЛАЛАРИ ЎҚИШМОҚДА

● Тошкентдаги республика 111-умумтаълим мактаб интернатида афғонистонлик болалар рус тилини чуқур ўрганиш йўли билан билим олишмоқда. Бу ерда улар бошқа предметлар қатори ўзларининг она тиллари — дари ва пуштуни ҳам ўрганаётирлар. Ўқувчилар бўш вақтларида тикувчилик, тасвирий санъат, радио кабн турли тўгаракларда шуғулланадилар. Улардан айримлари эса «Меҳнат резервлари» спорт комплексидаги секцияларга аъзо бўлиб олишган. Кўпчилик дам олиш кунлари театрлар, цирк, музейларга борнб ҳордиқ чиқаради.

Суратларда [чапдан ўнгга]: «Моҳир қўллар тўгараги қатнашчиларн: Насима Муҳаммаднасим, мактаб инструктори Марина Евгеньевна Шелочкова ҳамда Нодия Муҳаммадисҳаклар машғулот пайтида. шахмат мусобақаси [ўнгда] доим завқли ўтади.

Ф. Қурбонбоев фотолари. [ЎзТАГ]



МЎЪЖИЗАКОР НИНАЛАР

ШИФОКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Тошкент минерал суви шифохонаси врачи, медицина фанлари кандидати, невропатолог-игнарефлексотерапевт Иброҳим Орифжонов ишдан сўнг уйига отланар экан, унинг кабинетига ёшгина қиз кириб келди.

— Узр, кеч келганим учун. Оғриққа чидолмаяпман... Чиндан ҳам унинг анча безовта бўлаётганн юз-кўзидан кўринниб турарди.

— Қаерингиз оғрияпти?

— Бошим. Айниқса, мана бу томони қаттиқ санчиб, кўзимнинг таги билан қўшилиб оғрияпти.

Врач унинг қачондан бери дард чекаётгани, қандай касалликлар билан оғриганини аниқлаб бўлгач, қизнинг бош бармоғнни уқалаган эди, бемор ҳайратланиб:

— Вой, оғриқ қолди, — деди. Кейин эса тўсатдан енгил тортгани учун докторга қайта-қайта миннатдорчилик билдирди.

Бундай воқеалар деярли ҳар куни такрорланиб туради. Иброҳим аканинг ҳузурига ишдан чиққан асабнинг «ҳунар»ларидан жафо тортган — лаби, юзлари қийшайган, кўзлари пирилдаб учиб турган ёки жазирама иссиқда совқотганидан қават-қават кийимларга ўраниб олган беморлар таширнф буюрадилар. Врач уларни иложи борича тузатишга интилади. Бунинг учун эса қанчадан-қанча бардош, изланиш керак бўлади.

— Игнани баданга қандай қилиб бехато санчасиз, — қизиқиб сўраймиз у кишидан.

— Табиат инсон организмини шундай яратганки, игна санчиладиган биологик фаол нуқталарни бармоқлар билан пайпаслаб топиш мумкин. Бундай нуқталар белгиланган мўлжалдан ё пастроқ ёки тепароқда жойлашган бўлади. Тажрибада эса бунга кўз пишиб кетади.

— Игна билан фақат асаб касалликларигина даволанадими?

— Ҳозирча шундай. Бундан ташқари физиотерапевтлар, тери-таносил касалликлари билан оғриган беморларни даволовчи мутахассислар, шунингдек тиш докторлари ҳам игна санчиб даволаш усулидан фойдаланишлари мумкин. Бунинг учун эса улар ҳамкорликда ишлашлари, бир-бирлари билан доимий равишда тажриба алмашиб туришлари керак бўлади.

И. Орифжоновнинг ўз ишини пухта билиши бежиз эмас. У ТошМИнинг даволаш факультетини муваффақиятли тугатганидан сўнг бир неча йиллар мобайнида қарбий врач бўлиб ишлади. Кейинчалик аспирантурада таълим олди. Устози — академик К. Скрябиндан жуда кўп нарсаларни ўрганди. Игна терапияси билан шуғулланувчи машҳур мутахассислар — профессор В. Вогралик, Н. Иноможонов ҳамда Ф. Тухфатуллинлардан ҳали-ҳануз миннатдор. Тинмай ўқиш, ўрганиш ва изланиш туфайли у республикада игна билан даволовчиларнинг дастлабки қалдирғочларидан бири сифатида танилди ва фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Шифокорлик тажрибангизда эсда қоларли дақиқалар бўлганми? — сўраймиз қизиқарли суҳбатни тугатгимиз келмай.

— Албатта, бундан анча муддам онам яқин бир қариндошимизнинг вафот этганидан қаттиқ изтироб чекканлари учун аввал кўзлари хиралашди, кейинчалик эса мутлақо кўрмай қолди. Дарҳол кўз докторларига кўрсатдим. Улар онамни қайта-қайта текширувлардан ўтказиб, «минг афсуски, ёрдам беролмаймиз, кўзнинг очилиши қийин» мазмунида жавоб беришди. Бу гап дарди-дунёмни қоронги қилиб юборди. Бирданига хаёлимга «онамнинг кўзини игна билан даволасам-чи...» деган фикр келиб қолди. Офтальмологлар билан маслаҳатлашгандан сўнг онамни даволай бошладим. Орадан анча вақт ўтгач онам ғира-шира кўраётганини айтдилар. Азбаройи хурсанд бўлганимдан игна сеансини кетма-кет давом эттирдим. Меҳнатларим зое кетмади: онамнинг кўзи астасекин очилиб, бора-бора асил ҳолига қайтди. У киши бу ишимни ҳамиша «мўъжиза» деб баҳолайдилар. Кўр кўзнинг очилиши эса анча шов-шувларга сабаб бўлди. Мутахассислар ҳам бу воқеа билан бениҳоя қизиқиб қолдилар.

Ҳа, И. Орифжонов тиним билмас, изланувчан, меҳнатсевар, дилкаш ва камтарин инсон. Навбатдаги сеанс тугаб, вужудида енгилик сезаётган, демакки, тузалаётган беморларнинг бири тилида, бири дилида шифокорни алқайди, унга миннатдорчилик билдиради. Эҳ муҳими дарди аришига астойдил ишонади.

М. ЖАЛОЛИДДИНОВА.

АЁЛЛАРГА ЖОЙ БЎШАТИНГ!

● Полициячилар Деҳли кўчаларида қатновчи автобусларни тўхтатиб, йўловчиларни бирма-бир кўздан кечириб чиқишлари одат тусига кириб қолди. Улар жиноятчи ёки қаллобларни излашмайди, ҳатто, бу оддий хавфсизлик чоралари ҳам эмас, балки, маҳаллий тартиб-қондага кўра, жамоат транспортида аёллар учун ажратилган жойнинг ўз эгаси билан бандлигини текшириш, холос. Агар полициячилар, аёллар учун мўлжалланган жойда эркак киши ўтирганини кўриб қолишса борми, дарҳол тартибга чақириб турғазиб юборишади. «Полициянинг ҳомийлигидан ўрнак олиб, Деҳли транспорт корпорацияси ходимлари ҳам ўз пассажирларининг манфаатини ёқлаб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқига тобора кўпроқ ён босмоқда», деб ёзади «Пэтриот» газетаси.

ДАРАКЧИ КИТЛАР

● Америкалик метрологлар об-ҳавони аниқлашда китлардан фойдаланишмоқда. Негаки, улар аниқ ахборот олишда яхши ёрдамчи экан. Китнинг танасига ўрнатилган электрон передатчиклар океан туби сувининг ҳароратини аниқ ҳисоблаб беради ва бу ахборот (чуқурликнинг аниқ координатлари билан бирга) махсус радиоаппарат орқали базага етказилади. Китлар бошқа кенгликларда, ҳатто океаннинг сузувчи музлик қатламли районларида ҳам бемалол ҳаракат қилаверади. Бу ёрдамчиларга на тўфон, на туман ва на бошқа об-ҳаво нижиқликлари писанд эмас.

ҲАР ТУҒРИДА ҲАР ТУҒРИДА ҲАР ТУҒРИДА ҲАР ТУҒРИДА

Навбатдаги қабул

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчи Совети навбатдаги қабулни бугун — 30 март, соат 17.00 дан бошлаб ўтказади. Бу сафар меҳнаткашларни 1-область давлат нотариал конторасининг бошлиғи Мамлакат Амирова қабул қилади.

Жамоатчи Совет қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

«Тошкент ҳақиқати» жамоатчи совет қабулхонаси.

[«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 1 апрелда чиқади].

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЁЗУВЧИЛАР УЧРАШУВИ

ҚОҲИРА, 28 март. ТАСС мухбири Р. Орестов хабар беради: ҳозирги жамиятда адабиётнинг бунёдкорлик ва тарбиявий аҳамияти Совет ва Миср ёзувчиларининг якшанба куни Қоҳирада ўтказилган ижодий учрашувнинг асосий мавзуи бўлди. Яқинда қайта очилган совет маданият марказида Мисрнинг атоқли сўз усталари: Жамол ал-Ғитани, Муҳаммад ал-Ҳаммамси, ёш муаллифлар, шунингдек журналистлар йиғилдилар. Улар бу ерга келган совет ёзувчилари делегацияси аъзоларининг нутқларини катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Делегация составида Расул Ҳамзатов, Анатолий Софронов, СССР Ўрта Осиё республикаларининг ёзувчилари СССР маданият министрлигининг вакиллари бор эди.

Совет адиблари мисрлик ҳамкасбларига Совет Иттифоқида бўлаётган қайта қуриш ҳақида, бу қайта қуриш уларнинг ижодий фаолиятига қандай таъсир кўрсатаётганлиги тўғрисида гапириб бердилар. Тарихий ҳақиқатнинг тикланиши ва ўз фикрингни ошкора айтиш имконияти, деб қўктирди Р. Ҳамзатов, ёзувчилар, шоирлар ва драматурглари илҳом билан ижодий меҳнат қилишга ундамоқда. Қайта қуриш, шубҳасиз, совет маданияти ва санъати арбобларининг бошқа мамлакатлардаги, шу жумладан, Миср Араб Республикасидаги ҳамкасблари билан алоқаларни кенгайтириш ва кучайтиришга кўмаклашади.

Миср халқи 1952 йил революциясидан сўнг СССРнинг дўстона ёрдамида мамлакат мустақил экономикасини шакллантириш ва миллий маданиятни ривожлантириш учун асос солинганлигини яхши эслайди, деб таъкидлади атоқли публицист ва жамоат арбоби, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги Миср комитетининг раиси Аҳмад Ҳамруш. Мисрликлар икки давлат жамоатчилиги ўртасида қайта йўлга қўйилган алоқаларни табриклмоқдалар ва турли соҳаларда икки халқ ҳамкорлигини мустаҳкамлашга интилмоқдалар. Совет—Миср муносабатларининг ҳозирги босқичида таркиб топган қулай муҳитда, деб қайд этди атоқли Миср шоири Самир Абдил Боқий, икки мамлакат маданият арбоблари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун имкони бўлган барча ишларни қилиш лозим. Учрашув қатнашчилари СССР ёзувчиларининг асарларини араб тилида, Миср ёзувчиларн ва шоирларининг асарларини рус тилида кўпроқ нашр этиш истагини билдирдилар.

Янги акционерлик жамияти

● БУДАПЕШТ. Венгрия жанубидаги Печ шаҳрида яқинда тузилган янги акционерлик жамиятига 20 тадан ортиқ саноат корхонаси, банк ва олий ўқув юртн аъзо бўлди. Бу ташкилотнинг асосий вазифаси электроникани ривожлантириш соҳасида интеллектуал ва моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга фан ва техника сўнгги ютуқларини жорий этишдир. Акционерлик жамияти ўзининг асосий диққат-эътиборини технологик жараёнларни бошқариш электрон системаларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришга, компьютер программаларини ишлаб чиқишга қаратиш ниятидадир.

МАРКАЗ ЁРДАМ БЕРМОҚДА

● БУХАРЕСТ. Руминиянинг «Конфекс», «Ростарт» ва «Ромарта» маркали тайёр кийимлари жаҳондаги 50 дан ортиқ мамлакатга юборилади. Бу кийимларни Бухарест, Сибиу, Бакэу ва Руминиянинг бошқа шаҳарларидаги ташқи савдо корхоналари тикиб чиқармоқда. Пахта, жун, шойи, канопдан тайёрланган буюмларга Совет Иттифоқида эҳтиёж катта.

Руминияда чиқарилган тайёр кийимларни чет элга сотишда ана шу мақсадлар учун махсус ташкил этилган Бухарестдаги кийим-кечаклар илмий тадқиқот ва лойиҳалаш маркази ёрдам бермоқда.

КОНКУРСГА ЯКУН

● ЎТГАН йили Чехословакияда нашр этилган энг чиройли китоб учун ўтказилган анъанавий конкурсга якун ясалди. Конкурсда финалга тақдим этилган 220 та китоб ва дарслик орасида «Млада фронта» нашриётида чиқарилган «Ҳаёт» энциклопедияси ва Владимир Маяковский асарлари тўплами энг яхши китоблар, деб топилди. Кўпгина адабий нашрларга расм чизган безакчи рассомлар группасига ҳам дипломлар топширилди.

Иордан дарёснинг ғарбий соҳилидаги фаластинлик қочоқлар лагерида вазият кескинлашиб бормоқда. Оммавий намойишлар қатнашчиларининг босқинчилар билан тўқнашувлари бўлиб ўтмоқда. Суратда: Хеброн яқинида фаластинлик ёшларни қамоққа олиш пайти.

Рейтер—ТАСС фотоси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Турист

АНГРЕН ШАҲАР САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БЎЙЛАБ

САЁҲАТГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

ЯЛТА — 2 майдан 17 майгача, 1 июндан 16 июнгача. Путёвка баҳоси — 308 сўм.

СОЧИ — 29 апрелдан 19 майгача. Баҳоси — 350 сўм; 20 майдан 9 июнгача, 10 июндан 30 июнгача. Баҳоси — 321 сўм.

ПЯРНУ (у ерда бўлган вақтда туристлар учун Рига, Таллин, Хаапсала шаҳарларига экскурсиялар уюштирилади), 24 апрелдан 29 апрелгача, 16 октябрдан 31 октябргача, 30 октябрдан 4 ноябргача, 20 ноябрдан 25 ноябргача. Баҳоси — 249 сўм.

МИНСК — 29 апрелдан 2 майгача, 21 октябрдан 24 октябргача, 2 декабрдан 5 декабргача. Баҳоси — 210 сўм.

МОСКВА («Измайлово» туристик комплексида яшаб турилади), 10 майдан 14 майгача, 14 июндан 18 июнгача, 13 сентябрдан 17 сентябргача, 5 декабрдан 9 декабргача. Баҳоси — 225 сўм.

МОСКВА (Москва шаҳри ва Москва областида яшаб турилади), 2 майдан 6 майгача, 3 октябрдан 7 октябргача, 7 ноябрдан 11 ноябргача. Баҳоси — 201 сўм.

ЕРЕВАН — 11 апрелдан 15 апрелгача, 31 июлдан 4 августгача, 12 декабрдан 16 декабргача. Баҳоси — 191 сўм.

МОСКВА (Коломна), 26 апрелдан 5 майгача, 16 майдан 25 майгача, 4 июлдан 13 июлгача. Баҳоси — 275 сўм.

КИЕВ («Советская Россия» теплоходида жойлашилади). 30 апрелдан 7 майгача. Путёвканинг тахминий баҳоси — 330 сўм.

КИЕВ — 3 майдан 7 майгача, 28 ноябрдан 2 декабргача, 19 декабрдан 23 декабргача. Баҳоси — 227 сўм.

КИЕВ — 1 июндан 5 июнгача, 27 августдан 31 августгача, 1 сентябрдан 5 сентябргача. Баҳоси — 213 сўм.

ВОЛГОГРАД — 23 майдан 27 майгача, 19 декабрдан 23 декабргача. Баҳоси — 188 сўм.

МИНСК (Столбци шаҳрида жойлашилади), 13 майдан 16 майгача, 23 августдан 26 августгача. Баҳоси — 207 сўм.

ЕВПАТОРИЯ — 27 майдан 17 июнгача. Баҳоси — 327 сўм.

КИЕВ (Днепр бўйлаб теплоходда сайр қилинади), 31 майдан 14 июлгача. Путёвканинг ўртача баҳоси — 435—500 сўм, каюталарнинг классига қараб.

МОГИЛЁВ (Белоруссия бўйлаб саёҳат), 12 августдан 26 августгача, 16 сентябрдан 29 сентябргача, 16 сентябрдан 1 октябргача. Баҳоси — 360 сўм.

ДРУСКИНИНКАЙ (саёҳат вақтида туристлар учун Вильнюс, Каунас, Тракай, Гродно шаҳарларига экскурсиялар уюштирилади), 14 июндан 25 июнгача, 3 декабрдан 14 декабргача. Баҳоси — 285 сўм.

ЯРЕМЧА (Закарпатье, Львов, Ивано-Франковск, Мукачево, Косов бўйлаб саёҳат қилиниб, «Гуцульшина» туристик базасида жойлашилади), 11 августдан 23 августгача. Баҳоси — 370 сўм.

ШЯУЛЯЙ, — 12 августдан 16 августгача, 25 ноябрдан 29 ноябргача.

КРАСНОЯРСК (Енисей бўйлаб «А. Матросов» теплоходида сайр қилинади), 23 июлдан 11 августгача. Баҳоси — 407—497 сўм, каютанинг классига қараб.

Самолётда бориш ва қайтиш, овқатланиш, жойлашиш, экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматига киради.

Путёвкаларни қуйидаги адресдан харид қилиш мумкин: Тошкент область, Ангрен шаҳри, 5-1«а» квартал, 4-уй. Ангрендаги телефонлар: 2-72-21, 2-59-88, Тошкентда — 33-10-55. Ангрен шаҳар саёҳат ва экскурсиялар бюроси.

ХОНАДОН КЎРКИ — ГИЛАМ БИЛАН!

Замонавий квартиралар учун Олмалиқ гиламдўзлик фабрикаси ишлаб чиқараётган тафтинг гиламлар, айниқса, мосдир.

Туклари узилмаган ҳалқалар кўринишидаги бу ранг-баранг синтетик гиламлар чиройли ва енгил бўлиб, осонгина тозаланади ва ювилади.

Ҳар бир квадрат метрининг баҳоси 16 сўмдан 19 сўмгача бўлган бундай гиламлар универмаг ва хўжалик буюмлари магазинларида сотилмоқда.

«УЗМЕСТПРОМ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (Телефон: 76-47-11).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916. 325748; масул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750; БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; идеология — 325778; саноат капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; совет қурилиши — 325733; адабиёт ва санъат — 325553; маданият — 325767; социал масалалар — 325556; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; эълонлар бўлими — 325727.

Р. — 08830. А. 1572. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12